

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ШАҲАР ҚУРИЛИШИ ВА ХЎЖАЛИГИ”, “ГИДРОТЕХНИКА  
ҚУРИЛИШИ” (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА), “КЎЧМАС МУЛК  
ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ”, “КОММУНАЛ  
ИНФРАТУЗИЛМА ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ  
ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ” ЙЎНАЛИШИ**

**“ЛОЙИҲАЛАШ ВА ҚУРИЛИШДА  
ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ”**  
модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчи:** ТАҚИ, т.ф.н., доц. Юсупов У.Т.

**Такризчи:** ТАҚИ, т.ф.д., проф. С.А. Ходжаев,  
ТАҚИ, т. ф н., доц. Х.И. Юсупов,  
ТАҚИ, т. ф н., доц. А.Т. Хотамов.

*Ўқув -услубий мажмуа Тошкент архитектура қурилиши институти Кенгашининг 2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>11</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>19</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>54</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>70</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....</b>	<b>75</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>76</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>78</b>
<b>IX ИЛОВА .....</b>	<b>79</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Ишчи дастур олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган

Ишчи дастур олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ушбу ишчи дастурда қурилиш ва лойиҳалаш соҳасининг тизимли таҳлили. Тизимли ва хусусий лойиҳалаш. Тизимли лойиҳалаш асослари. Бино ва иншоотлар қурилишини тизимли бошқариш. Тизимли таҳлил муаммоларни ечимини топишнинг услубиёти. Бино ва иншоотларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари. Қурилиш ва лойиҳалашда сифатни бошқаришда тизимли таҳлил. Сифат тушунчаси ва аҳамияти Бино ва иншоотларни эксплуатациясида тизимли ёндашув. Сифат тизимли таҳлил обьекти сифатида. Қурилишда сифатни бошқаришга тизимли ёндошуви назарда тутилган.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “Лойиҳалаш ва қурилишда тизимли таҳлил модулининг мақсад ва вазифалари” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва маҳсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

### Лойиҳалаш ва қурилишда тизимли таҳлил модулининг мақсад ва вазифалари:

- қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимида, қурилишни ташкилий технологик тайёrlаш тизимида, энергия фаол биноларни лойиҳалаш соҳасидаги инновациялар ва долзарб муаммолар мазмунини ўрганишга йўналтириш;

- тингловчиларда архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларнинг илғор технологияларига доир олган янги билимларини ўз фанларини ўқитишда ўринли ишлата олиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

### Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Лойиҳалаш ва қурилишда тизимли таҳлил” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- архитектура ва қурилиш соҳасидаги сўнгги ютуқлар, меъёрлар тизими;
- қурилиш меъёр ва қоидалариға киритилган ўзгартиришлар;
- архитектура ва қурилиш соҳасидаги фанларни ўқитишдаги илгор хорижий тажрибалар;
- бино ва иншоотлар қурилишини оқим услубида ташкил этиш;
- календар режалашдаги инновациялар;
- инновацион лойиҳаларнинг таркиби, уларни тузиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби;
- пудрат шартномаларининг ҳалқаро қоидалариға мутаносиб проформалари;
- архитектура ва қурилиш соҳасидаги долзарб масалалар;
- бинолар энергия самарадорлигини оширишнинг норматив-хуқуқий асослари;
- биноларнинг норматив иссиқлик ҳимоя даражалари ҳақида **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- лойиҳа ғоясини асослаш, унинг моҳиятига кўра лойиҳалаш турларини ажратা олиш, меъёр ва директив органларининг ҳамда ҳалқаро талаблариға жавоб берадиган ҳужжатлар тузиш;
- қурилиши технологик тайёрлаш тизимидағи янгиликларни;
- Ўзбекистон Республикасининг архитектура ва қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидағи ўзгаришларни амалиётга татбиқ эта олиш;
- қурилиш бозорига кириб келаётган замонавий энергия тежамкор материалларни амалиётда қўллай олиш;
- бино ва иншоотлар мажмуи қурилишини оқим услубида самарали ташкил қилиш;
- календар режалашда меъёр талаблариға мутаносибликни тамиллаш;
- бинолар энергия истеъмолининг нормалари ва уни таъминлаш **қўнималарига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- лойиҳа ғоясини асослаш графаналитик моделидан фойдалана олиш, лойиҳани бошқаришда ҳалқаро модуллардан фойдаланиш;
- бино ва иншоотлар қурилишини ташкил қилиш, календар режалар тузишда меъёрларга мутаносибликни таъминлаш;
- энергия фаол биноларни лойиҳалаш, конструктив ечимларини танлаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

ўз фанларини ўқитишда қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидағи, қурилиши ташкилий технологик тайёрлаш тизимидағи, энергия фаол биноларни лойиҳалаш соҳасидаги янгиликларни ўринли ишлата олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Лойиҳалаш ва қурилишда тизимли таҳлил” модулини ўқитиш жараёнида қўйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотлар жараёнида лойиҳа ва Кейс технологияларини қўллаш назарда тутилади.

### Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва ўзвийлиги

“Лойиҳалаш ва қурилишда тизимли таҳлил” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатации қилишнинг замонавий технологиялари”, “Бино ва иншоотларни лойиҳалашда компьютер дастурларини қўллаш”, ва “Бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлиги ва ҳавфсизлиги бўйича инновациялар” ва бошқа блок фанлари билан ўзвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустакил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		жумладан		
			Жами	Назарий	Амалий машғулот		
1.	Курилиш ва лойиҳалаш соҳасининг тизимли таҳлили. Тизимли ва хусусий лойиҳалаш. Тизимли лойиҳалаш	2	2	2			

	асослари.					
2.	Бино ва иншоотлар қурилишини тизимли бошқариш. Тизимли таҳлил муаммоларни ечимини топишнинг услубиёти.	2	2	2		
3.	Тизимли таҳлил ва лойиҳалаш. Бино ва иншоотларни лойиҳалаш услубларини тизимли таҳлили.	2	2		2	
4.	Бино ва иншоотларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари.	2	2		2	
5.	Қурилиш ва лойиҳалашда сифатни бошқаришда тизимли таҳлил. Сифат тушунчаси ва аҳамияти Бино ва иншоотларни эксплуатациясида тизимли ёндашув.	4	2		2	2
6.	Сифат тизимли таҳлил обьекти сифатида. Қурилишда сифатни бошқаришга тизимли ёндошув.	2	2		2	
<b>Жами:</b>		<b>14</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>8</b>	<b>2</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1 - мавзу: Қурилиш ва лойиҳалаш соҳасининг тизимли таҳлили.**

#### **Тизимли ва хусусий лойиҳалаш.**

Тизимли лойиҳалаш асослари. Қурилиш ва лойиҳалаш соҳасининг тизимли таҳлили. Тизимли ва хусусий лойиҳалаш. Тизимли лойиҳалаш асослари. Тизимли таҳлил ва лойиҳалаш. Модулнинг мақсади ва вазифалари. Тизим тушунчаси ва унинг турлари. Тизимли таҳлил услуби ва методологияси. Тизим ости элементларни алоқадорлик даражасини белгилаш. Тизимли таҳлилни амалга ошириш шартлари. Тизимли таҳлилда муаммони белгилаш ва моҳиятини очиш. Ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий тизимлар. Тизимлар классификацияси. Тизим генезиси, Тизим техникаси, вазият.

### **2 - мавзу: Бино ва иншоотлар қурилишини тизимли бошқариш.**

#### **Тизимли таҳлил муаммоларни ечимини топишнинг услубиёти.**

Бино ва иншоотлар қурилишини тизимли бошқариш. Бино ва иншоотларни эксплуатациясида тизимли ёндашув. Тизимли таҳлилда метод масаласи. Тизимли таҳлилга оид ёндашувлар: формал ва тушунчавий ёндашув,

мажмуавий ёндашув, интеграцион ёндашув, вазиятли ёндашув, меъёрий ёндашув, функциоал ёндашув. Тизимли ёндашув ва унинг шаклланиш босқичлари.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

**Бино ва иншоотлар қурилишини тизимли бошқариш. Тизимли таҳлил муаммоларни ечимини топишнинг услубиёти.**

Бино ва иншоотлар қурилишини тизимли бошқариш. Тизимли таҳлил муаммоларни ечимини топишнинг услубиёти. Аниқ қурилиш ҳолат(вазият)ни ўрганиш. Мақсадни шакллантириш. Максадни илгари суриш. Қарорни тайёрлаш. Қарорни илгари суриш учун ресурсларни инобатга олиш. Бошқарув фаолиятининг режасини ишлаб чиқиш. Лойхани бажариш учун шарт-шароитларни яратиш. Лойхани амалиётга кўллаш. Оланган натижани баҳолаш (назоратни амалга ошириш) ва б. Жорий ва идел ҳолатни белгилаш. Мос келишни текшириб кўриш. Фарқни баҳолаш ва аниқлаш. Тизимлар турларини кўрсатувчи катталик

### **2-амалий машғулот:**

**Бино ва иншоотларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари.**

Лойиҳани компьютер дастурлари асосида ишлаш. Лойиҳани амалиётга кўллаш. Оланган натижани баҳолаш (назоратни амалга ошириш) ва б. Жорий ва идел ҳолатни белгилаш. Мос келишни текшириб кўриш. Фарқни баҳолаш ва аниқлаш. Тизимлар турларини кўрсатувчи катталик. Кириш ва меъёrlар орасидаги фарқни аниқлаш. Ахборотни таҳлил қилиш.

### **3-амалий машғулот**

**Қурилиш ва лойиҳалашда сифатни бошқаришда тизимли таҳлил. Сифат тушунчаси ва аҳамияти Бино ва иншоотларни эксплуатациясида тизимли ёндашув.**

Сифат тизимли таҳлил обьекти сифатини ҳал қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланиш. Сифатнинг босқичлари. Сифат тизимли таҳлил обьекти босқичлари. Қурилишда сифатни бошқариш ечимини аниқлаш меъёrlари.

### **4-амалий машғулот:**

**Сифат тизимли таҳлил обьекти сифатида. Қурилишда сифатни бошқаришга тизимли ёндошув.**

Сифат тизимли таҳлил обьекти сифатида. Қурилишда сифатни бошқаришга тизимли ёндошув. Сифат тизимининг таҳлили. Сифат тушунчасини хозирги

кўриниши. Жаҳон талаблари даражасидаги сифат. Қурилиш ашёлари сифати. Қурилиш конструкциялари сифати.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

-маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, аклий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

-давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

-баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Топшириқ турлари	Баллар тақсимоти	Максимал балл
1.	Мавзулар бўйича Кейслар	1,2 балл	2.5
2.	Мустақил иш топшириқлари	0,5 балл	
3.	Амалий топшириқлар	0,8 балл	

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил гоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик груухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи тингловчиларни 5-6 кишидан иборат кичик груухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир груухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир груух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча груухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

Дастурлар					
AutoCAD		3DS Max		Sketch Up	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида кўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ Кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-loyixa тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши</li> </ul>

**Кейс.** Мобил қурилма учун Андроид опреацион тизимининг 5.0 (API Level: 21) версияси учун илова ишлаб чиқилди. Сизнинг телефонингиздаги Андроид опреацион тизимининг версияси 4.3 (API Level:

18). Мобил иловани телефонингизга ўрнатиб ишга туширмоқчи бўлганингизда хатолик келиб чиқди. Яъни илова ишламади.

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### “SWOT-тахлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



S	Компьютер датурларидан фойдаланиб бино ва иншоотлар лойихаларини яратиш. кучли томонлари	AutoCad, ArhiCad, 3DSMax Sketch UP дастурларининг мавжудлиги
W	Компьютер датурларидан фойдаланиб бино ва иншоотлар лойихаларини яратиш. кучсиз томонлари	Сертификати йўқ дастурларнинг мавжудлиги, хизматларнинг летсензиялашмаганлиги.
O	Компьютер датурларидан фойдаланиб бино ва иншоотлар лойихаларини яратишнингимкониятлари. (ички)	Мураккаб ва катта лойихаларни тез ва соз, сифатли тайёрлашда.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Маълумотлар хавфсизлигининг тўлақонли таъминланмаганлиги.

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний холоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили тингловчиларда қасбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр: “Бино ва иштоотлар сифатини яхшиловчи омиллар”.**

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

**“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.



- Икки қаватли бинолар қайси турдаги биноларга киради?
- А. Кам қаватли биноларга.
- В. Ўртacha қаватли биноларга.
- С. Кўп қаватли биноларга.
- Д. Осмон ўпар биноларга.



### Қиёсий таҳлил

- Қаватлар сонига қараб



### Тушунча таҳлили

- Кам қаватли биноларга



### Амалий кўникма

- Бир ёки икки қаватли бино

## “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
----------	--------	--------	--------

Кам қаватли бино			
Ўртача қаватли бинолар			
Кўп қаватли бинолар			
Осмон ўпар биноларга			

Белгиланган вақт яқунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳакида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини ўқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
AutoCad	Компьютер дастури.	
3DS Max	Компьютер дастури.	
Sketch Up	Компьютер дастури.	
ArxiCad	Компьютер дастури.	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳакида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнижмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида кўллаш самарали натижаларни беради.

#### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрлаб тингловчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, тингловчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи тингловчиларга уч кишидан иборат кичик гурӯҳларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурӯҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурӯҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурӯҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурӯҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурӯҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурӯҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Тингловчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Лира дастур мажмуасида ҳисоб схемасини яратиш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб қўринг!**

Ҳаракатлар мазмуни	Якка	Якка	Тўғри	Гурӯҳ	Гурӯҳ
--------------------	------	------	-------	-------	-------

	<b>баҳо</b>	<b>хато</b>	<b>жавоб</b>	<b>баҳоси</b>	<b>хатоси</b>
Конструкция элементларининг геометрик схемасини тузиш;					
Таянч боғланишларини киритиш;					
Модел мұхитини бериш.					
Юкламаларни қўйиш;					

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу: Қурилиш ва лойиҳалаш соҳасининг тизимли таҳлили. тизимли ва хусусий лойиҳалаш. Тизимли лойиҳалаш асослари.**

**Режа:**

- 1.1** Турар жой биноларини лойиҳалашнинг тизимли дастури.
- 1.2** Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизими.
- 1.3** Дам олиш масканлари ва комплексларини лойиҳалашнинг тизимли асослари.
- 1.4** Ишлаб чиқариш объектлари.

**Таянч сўз ва иборалар:** “лоиҳа”, “турар жой”, “таҳлил”, “тизим”, *тизимли таҳлил, тизимли ёндашии, бошқарувчанлик вазифаси, тизим модели, тизмли алоқадорлик, прогноз, огоҳлантирувчи, иерархия*.

Буюк Британиянинг Шеффилд Халлам Университети “Қурилиш мактаби” профессорлари Алан Гриффит, Пол Стивенсон, Пол Уотсон томонидан нашр этилган “**Қурилишда бошқарув тизими**” китоби қурилиш саноатида ҳозирда муваффақиятларга элтивучи жуда муҳим бўлган олтита бўлимларга алоҳида эътибор қаратишади. Улар: *Лойиҳалаш жараёни, ҳаражатлар, сифат, меҳнат мухофазаси, атроф мухитга таъсир (экология) ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникация*.

Муаллифлар биринчи бўлиб юқорида айтилган бўлимларни бу соҳада қўллаб амалда қурилиш ташкилотлари яъни, пурратчилар ўртасида тизимли бошқарув масаласини юқори савияга олиб чиқдилар. Қурилишни режалаштириш ва муддатини назорат этиш, молиявий режалаштириш ва ҳаражатлар ҳисоби, сифат ва самарадорлик, атроф-муҳит экологиясини баҳолаш ва ахборот коммуникацин технологиялари шу китобнинг мазмунини ташкил этади. Шунингдек соҳани **тизимли** бошқариш ва инсон омилига алоҳида эътибор қаратилган. Китоб қурилиш ташкилотлари раҳбарларига, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва бу соҳада фойдаланадиган оммага қарата ёзилган бўлиб, **тизимли** ва **корпоратив** бошқарувни янги илғор концепсияларини ўзида мужассам этган. Китоб меъёрий –хуқуқий ҳужжат эмас, бунда асосан энг самарали корпоратив бошқарув тизими тажрибалари келтирилган, қурилиш ташкилотлари ўзларига маъқул бўлган ахборотларни амалиётда қўллаши фойдадан холи эмас.

Қурилиш саноати раҳбарларининг юқори малакаси ва салоҳияти бу тизимда ютуқларга эришишнинг омилларидан бири. Бу соҳада кучли мутахассис бўлиш, қатор билимларни эгаллаганлик ишлар самарасини яхши кўрсаткичларига олиб келади. Катта ва мураккаб лойиҳалар команда мутахасисларини биргаликдаги меҳнатининг маҳсули. Булар: лойиҳачилар

гурухи, режалаштировчилар, ҳисобчила, сметачи ва қурилиш ишлари раҳбарлари, мониторингдагилар, қурилиш муддати ва инсон омили назоратчилари. Кейинги даврда булар қаторига қурилиш сифати ва атроф мухит - инсон соғлиги ҳамда ахборот технологиялари назоратчилари - менеджерлар армияси қўшилди.

Бугун қурилиш лойиҳалари ва ишларини маҳсус тайёргарликка эга бўлмасдан бажариб бўлмайди. Ҳар бир ходим ўрнатилган тизимни ташкил этувчиси бўлиб, кўп, муҳим ва мураккаб лойиҳаларни, қарорларни амалга оширишда корпоротив ҳамкорликнинг муҳим звеносидир. Буюртмачи ва корпоротив раҳбарлик шу қурилиш ташкилотида, аниқ мақсад ва муддатда қурилиш жараёнларини сифатли бажаришда муҳим ҳисобланади. Бу тизимнинг афзалиги ҳуқуқий-меърий талабларнинг бошқаруви, ташкилот фаолиятининг самарадорлиги ва кенг жамоатчилик томонидан назоратни ўрнатади.

## **1.1 Тураг жой биноларини лойиҳалашнинг тизимли дастури.**

Аҳоли ҳаёт фаолиятининг яхлит мухити сифатида турли функционал-маконий элементлар: тураг-жой (тураг жой мухити), маданий-маиший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш комплекслари (ишлаб чиқариш мухити), дам олиш қисмлари кабилардан шаклланади. Элементларга бўлиш асосида ҳаёт фаолиятини соҳа таркиби бўйича ташкил этишга мос келувчи функционал кўрсаткич ётади. Ишлаб чиқариш, тураг жой комплекслари, жамоат марказлари худудий шаҳарсозлик тизимлари шаклланишининг хамма босқичларида шаҳарсозлик объектларининг элементлари бўлиб хизмат қиласади.

**Тураг жой (тураг жой мухити)** тушунчаси аҳолининг шахсий истеъмоли билан боғлиқ меъморий шаҳарсозлик объектлари бутун комплексини ўз ичига олади. **Тураг жой мухити қўйидаги асосий компонентлардан:** тураг жойни (бу сўзнинг тор маъносида) билдирувчи тураг жой ячейкалари (квартира ва уйлар); маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тизими; аҳолининг рекреацион ва коммунал-маиший эҳтиёжларини кондирувчи ташки тураг жой худудларидан **шаклланади**.

Аҳолининг майший ҳаёт ва дам олиш асосий жараёнларини моддий-маконий ташкил этиш вазифаларини еча туриб, тураг жой аҳоли турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун тураг жой мухитининг сифати унинг функционал-тархий, гигиеник, техник ва эстетик тавсифномаларида акс этиб, ижтимоий эффективлик (фойдалилик) мезони бўйича баҳоланиши мумкин. Тураг жойларни баҳолаш дастури бевосита ҳаёт жараёнларини, аҳолининг кўп қиррали эҳтиёжларини таъминлаш, шахсни шакллантириш каби мақсадли йўналтирилган вазифалар билан белгиланади.


**Тураг жой мухити** специфик вазифалар ва лойиҳалаш дастурига эга турли хил **иерархик** босқичларда ташкил этилади. Тураг жойни шаклланишининг умумий мақсади аҳоли майший ҳаёти ва дам олиш жараёнларини эффектив маконий ташкил этиш деб белгиланиши мумкин.

Тураг жойни лойиҳалашнинг учта асосий, мазмунан фарқ қилувчи босқичини кўрсатиш мумкин. **Биринчиси – тураг жой ячейкасини лойиҳалаши.** Бу босқичда лойиҳалашнинг ижтимоий асоси – индивид, оила, майший колектив ҳаёт фаолияти жараёнларидир. Тураг жой ячейкаси – минимал яхлит тураг тизим, тураг жой мухитининг асосий элементидир.<sup>1</sup>

**Иккинчи** босқич – турли даражадаги **тураг жой комплексларни лойиҳалаши**: тураг жой гурухи, кичик туман, тураг жой туманини. Бу босқичдаги шаҳарсозлик лойиҳасининг ижтимоий мазмuni кўрилаётган ҳудудда яшовчи аҳоли амалга оширадиган майший жараёнлар, дам олиш, хизматлардан фойдаланиш характери билан белгиланади. Баъзибир чеклашлар билан бу босқичга кўп квартирали уйларни, уй-комплексларни хам киритиш лозим. Бу босқич лойиҳасида кўриб чиқилаётган ҳудудда майший ҳаёт жараёнлари ва дам олишни маконий ташкил этиш вазифалари ҳудудни рационал қисмларга бўлиш ва тураг жой мухитининг керакли элементлари: тураг жойлар, хизма кўрсатиш муассасалари, дам олиш, спорт, коммунал вазифали майдончалар, коммуникацияларни жойлаштириш орқали хал этилади. Лойиҳалашнинг мухим вазифаси лойиҳаланаётган комплекс аҳолисининг демографик таркибиға мос келувчи тураг жой ячейкалари ва уй жойлар турлари номенклатурасини белгилашдир. Бу босқичда шаҳар меҳнат аҳоли яшайдиган туманлари ва умуман шаҳарнинг аҳоли яшайдиган қисмини шакллантириш вазифасини алоҳида ажратиш лозим. Уларни лойиҳалаётганда аҳолининг меҳнат алоқаларининг тахлили ва маконий ташкил этиш катта ахамиятга эга бўлади.

**Лойиҳалашнинг учинчи** босқичи – локал ва регионал аҳоли жойлашуви, умуман республиканинг **тураг жой қурилиши дастурини шакллантиришидир**. Бу босқич олдингисидан шу билан фарқ қиласади, унинг вазифасига конкрет тураг жой ҳудудларини тархий ташкил этиш кирмайди, балки тураг жой билан таъминланиш меъёларини, типологиясини ишлаб чиқишига йўналтирилгандир. Улар вақтинча яшаб турган аҳоли таркиби, демографик ҳолат тахлили, жумладан турлари хамда табиий шарт-шароитлар, маданият, хўжалик таркибининг регионал ва миллий хусусиятлари асосида белгиланади. Тураг жойни **loyiҳalashnинг** барча босқичларида аҳолининг майший ҳаёт ва дам олиш соҳаларидаги фаолиятининг ижтимоий дастури макони амалга ошади. Дастур ҳар хил фаолият турлари тавсифномаларини, уларнинг вақт ва маконда ўзаро алоқаларини белгилайди. Ижтимоий дастурни ишлаб чиқиши меъёрий ва қидирув **прогнозлари** кўринишида амалга оширилади. Биринчиси майший жараёнларни ташкил этишининг мақсадли **моделлари** бўлса, иккинчиси – замонавий тенденцияларни **экстраполяциялаш** ва уларни умумижтимоий жараёнлар таъсирида ривожланишини тахлили асосида ишлаб чиқарилган моделлардир. Улар ишлаб чиқилаётган прогнозларнинг керакли таркибий қисми бўлиб, мулжаланган дастурларнинг ижтимоий-иктисодий ва техник имкониятларини баҳолашга ёрдам беради.

<sup>1</sup> Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015 p-1



1 - квартира; 2-туар-жой бинолари; 3-туар-жой бинолари 2 тадан кўп; 4 –туар-жойлар мавзеси; 5 - туар-жой тумани; 6 - шаҳар

**Туар жой биноларини лойихалашнинг тизимли дастури ижтимоий субъект - туар жой истеъмолчисини олдиндан аниқлашни талаб қиласди.** Туар жой ячейкаси учун бу, аввало, индивид. Мехмонхона, ётоқхона пансионатларда вақтинча яшаб турган холларда эса бу – таркиб ва катталиги жихатидан ҳар хил бўлган, турли даражада уюшган ва функционал хамжихатликдаги вақтли ижтимоий гурухлардир. Кўп квартирали уйнинг, туар жой комплексининг аҳолиси «қўшничилик» деб номланган ҳудудий бирликни ташкил қиласди. қўшничилик коллективининг хамжихатлик даражаси турлича бўлиши мумкин ва маданий меъёр ва стереотипларга хамда аҳоли жойларининг характерига боғлиқдир. қўшничиликни тушунишнинг шаҳар ва қишлоқда, шарқий «махалла» ва европа кварталидаги фарқи ана шунда. Туар жой лойихалашнинг ижтимоий асослари уй-жой истеъмолчисини ва аввалимбор хулк-атвори турлича ҳар хил оила турларини аниқлаш ва таърифлаш билан боғлиқдир. **Лойихалашнинг шахарсозлик параметрларини асослаш қўйидагиларни ўз ичига олади:**<sup>2</sup>

- туар жойда амалга ошадиган жараёнлар классификацияси;
- туар жойда амалга ошадиган ижтимоий жараёнларни мухитнинг маконий тавсифи:
  - меъморий-шахарсозлик ечимлар параметрларига таъсир этувчи фаолиятлар параметрлари буйича ўзаро алока тавсифномаларини аниқлаш;
  - майший жараёнларни туар жойнинг бош «истеъмолчиси» бўлган оиланинг ижтимоий-демографик тавсифномаларга боғликлигини белгилаш;
  - туар жой номенклатурасини, туман, шаҳар, вилоят, республика уй жой фондини тақсимлаш нисбатларини ишлаб чиқиш максадида оилалар типологиясини ва демографик статистикасини ўрганиш;

<sup>2</sup> Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015 p-8

- майший жараёнлар ва турар жойлар таркибига таъсир кўрсатувчи: маданиятнинг миллий ва регионал хусуситяларини, ахоли жойлашувиning табиий ва шаҳарсозлик шароитлари каби омилларини аниқлаш;
- турар жойни лойиҳалаш ижтимоий дастурларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ва техник имкониятларини белгилаш.

## 1.2. Маданий-майший хизмат кўрсатиш тизими.

**Жамоат хизмат кўрсатиши** – истеъмолнинг ижтимоий шаклларини маданий-маконий ташкил этишни таъминловчи шаҳар мухитининг мухим элементидир. Шаҳарларни ижтимоий ривожлантиришга комплекс ёндошув вазифалари хизмат кўрсатиши ташкил этиш масалаларига, одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга уларни хар томонлама ривожланиши учун шароит яратиб беруви соҳа сифатида алоҳида эътибор беришни талаб қиласди. Маданий-майший хизмат кўрсатиши тизимини ҳисоблаш ва лойиҳалаш масалалари бугунги кунда мустақил, лойиҳалашнинг нисбатан тор соҳасидан ижтимоий режалаштиришнинг мухим бўлимига, инсон ҳаёт фаолиятининг қулай мухитини шакллантирувчига айланади.<sup>3</sup>

**Маданий-майший хизмат кўрсатишини маконий ташкил этиши** масалалари шаҳарсозлик лойиҳалашнинг барча босхичларида: турар жой ва ишлаб чиҳариш комплексларини детал режалаштириш лойиҳаларида, шаҳарлар бош режаларида, туманни режалаштириш лойиҳаларида хал этилади. Шаҳарсозлик лойиҳалашнинг хизмат кўрсатиши муасссалари типологиясини ишлаб чиҳиши билан ўзвий боғлиқлигини таъкидлаш лозим. Туар жойларни лойиҳалашдек, бу ерда вазифалар иерархияси хақида гап кетаяпти: алоҳида биноларни лойиҳалашдан ривожланган ҳудудий хизмат кўрсатиши тизимларини шакллантиришгача. Хизмат кўрсатиши тармоклари яхлит шаҳарсозлик тўзилмалари подсистемаларидан бирини ташкил этади.

**Хизмат кўрсатишининг барча соҳалари** (савдо-сотик, умумий овқатланиш, таълим, медицина хизмати кўрсатиши ва х.к.) ижтимоий ривожланишнинг керакли ташкил этувчиларидир. Бу соҳаларни ташкил этиш миқёси ва характеристини халқ хўжалигининг умумий манфаатлари белгилайди. Шу билан бирга хар бир соҳа ўзининг оптимал ташкил этиш, ахоли жойлашуви тизимида жойлашиш, бошқа соҳалар билан кооперация бўйича мезон ва талабларга эга. Умум- ижтимоий ва соҳа вазифалари билан бир қаторда хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли ижтимоий дастурларини тузишда ахолининг эҳтиёжлари ва баҳолари мухим роль ўйнайди. Бу уч хил турли ёндошувларнинг хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишида келиштиrmок ечимларнинг умумий эффективлигини таъминлайди хамда эҳтиёж ва хизмат кўрсатишини тартибга солиш сиёсати йўналишини белгилайди.<sup>4</sup>

<sup>3</sup> Francis D. K. Ching., Building Construction Illustrated 5th Edition// USA, 2014 p-2

<sup>4</sup> Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015 p-15

Умуман, *барча хизмат кўрсатии соҳаси* мурракаб босқичли тизимни ташкил этади, унинг қуи босқичини алоҳида муассаса ва корхоналар, ўрта босқичини – худудий ва соҳа тизимлари, юқори бугинини – умумдавлат истеъмол тизими шакллантиради.

**Режалаштириш ва прогнозлашнинг бошлангич асоси бўлиб мавжуд хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш кўрсаткичлари:** хизмат кўрсатиш соҳалари томонидан келажакда корректировка қилинадиган турли хил звенолари термаси ва микдорли нисбатлари хизмат қиласи. Хизмат кўрсатиш тизимини соҳалараро режалаштириш асосан аҳоли жойи даражасида, бундан пастрок даражада эса локал аҳоли жойлашуви босқичида амалга оширилади. Вазифа хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил этишни ижтимоий режалаштириш ва шаҳарсозлик лойиҳалашни максимал ўзаро алоқасига эришишидан иборатdir.

**Жамоат хизмат кўрсатии тизими,** ижтимоий истеъмолнинг анчагина қисмини ташкил этиб, ҳаёт фаолиятининг, ҳаёт даражасини баҳолашнинг барча томонлари билан боғлиқ. Яъни, маданий бойликлар ва хизматлар истеъмоли даражаси, савдо-сотик, умумий овқатланиш, майший хизмат кўрсатишни ташкил этиш билан ўзвий боғланган; информацион фаолият кўп жихатидан таълим таркиби, ижтимоий-маданий истеъмол билан боғлиқ; «психологик мувозанат» шароитлари дам олиш, медицина хизмати кўрсатиш ва бошқа соҳаларда шаклланади; хизмат кўрсатиш муассасаларининг мулоқот шароитларини шакллантиришдаги роли каттадир.

Хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этишни прогнолаш ва режалаштириш учун *вақтни тақсимлаш прогнози* катта ахамиятга эга. Ҳаёт фаолиятини тавсифловчи универсал кўрсаткич була туриб, вақтдан фойдаланиш кўрсаткичи истеъмол меъёрини обеъктив тавсифлайди. Вақтни баҳолашнинг кўп қиррали томонлари унинг ёрдамида хизмат кўрсатиш тизимини маконий ташкил этишга асос бўлган бир қатор ижтимоий омилларни тавсифлаш имконини беради. Жараёнларнинг даврийлиги хақидаги кўрсаткичлар хизмат кўрсатишни кундалик, даврий ва эпизодик хилларга ажратиш хамда уни шаҳар ва аҳоли жойлашуви тизимида жойлаштириш муаммоларини ечиш имконини беради. Жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш хизмат кўрсатиш марказларида турли истеъмол функцияларини жойлаштириш учун асос бўлиши мумкин.

Ижтимоий-маданий истеъмол муассасаларини ривожлантириш *муассасалар таркибини аҳолининг турли гуруҳларига хизмат кўрсатии эҳтиёжларига мос келишини* таъминлаш вазифалари хамда истеъмол шаклларини кенг танлашга шароит яратиш билан боғлиқ. Бу соҳа келажаги хар хил таълим даражали, турли касб ва меҳнат турлари, турли ёш гуруҳларига, турли оиласаларга қарашли аҳолининг ижтимоий гуруҳларининг эҳтиёжини ўрганишни, хамда бу кўрсаткичларни хизмат кўрсатишни у ёки бу соҳасининг умумий келажаги кўрсаткичлари билан солиштиришни талаб қиласи.<sup>5</sup>

<sup>5</sup> S. Keoki Sears ,Glenn A. Sears , Richard H. Clough. Construction Project Management: A Practical Guide to Field Construction Management// USA, 2010 p-10

**Шаҳарнинг ўлчамлари** хизмат кўрсатишни ташкил этишга бир қатор жиддий талабларни қуяди. Улар хизмат кўрсатиш муассасалари номенкулатурасига, уларнинг жойлашуви ва гурухлануви, ҳисоблашнинг баъзи масасалаларга тегишлидир. Хизмат кўрсатишни ташкил этишдаги энг мухим моментлардан бири қўриб чиқилаётган шаҳарни аҳоли жойлашуви тизимида ролидир. Шаҳарнинг аҳоли жойлари тизимида етакчилиги сифатидаги ахамияти хизмат кўрсатш муассасаларини ҳисоблаш меъёрларини унга тортилувчи аҳолини ҳисобга олган холда оширишни белгилайди.

Йирик агломерацияларда йўлдош ролини бажарувчи шаҳарлар марказий шаҳар билан маданий-маиший алоқалар билан боғланганлар. Бу ерда хизмат кўрстиш тизимини ташкил этишда тескари сурат намоён бўлади: нисбатан анча паст хизмат кўрсатиш меъёрлари, марказга тортилиш, бир қатор шаўарлар учун кейинги ихтисослашиш тенденциси ва х.к. Нисбатан мустақил шаҳарларгина ўрта меъёрий тавсифномаларга қўпроқ мос келадилар, уларда хизмат кўрсатиш тизими тумандаги хизмат кўрсатишни ташкил этишга боғлиқ бўлмаган холда хал этилади.<sup>6</sup>

Конкрет шаҳарсозлик обьекти учун **хизмат кўрсатииш тизимини ривожлантириши дастури** хизмат кўрсатиш муассасалари турлари номенклатурасида, хизмат кўрсатилаётган аҳолига тегишли ҳисоб кўрсатикичларида, муассасаларни кооперациялаш ва ҳудудий гурухлаш бўйича умумий тавсияларда ифодаланади. Шаҳарсозлик лойиҳалашнинг асосий бўлими бўлиб муассасаларни жойлаштириш ва жамоат марказларини маконий ташкил этиш хизмат қиласи. Айни шу жойда умумий функционал - типологик ва сон параметрлари келтирилган тизимни маконий оптималлаштириш масаласи хал этилади.

**Оптимизациялаши тамоили** – минимал транспорт харажатларида хизмат кўрсатишни концентралашдан олинадиган эфектни таъминлашdir. Шаҳарсозлик лойиҳалашнинг бошқа бўлимларида гидек, бу ерда маконни, масофаларни иқтисод қилиш тамоили иш кўрсатади. Хизмат кўрсатиш тармоқларини жойлаштириш моделларини минимал транспорт харажатларида максимал иқтисодий эфект олишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни жойлаштириш моделлари билан бевосита аналогиясини кўриш мумкин. Фарқ шундаки, хизмат кўрсатишни жойлаштиришда оптимал ҳолат бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш хамда хизматлар истеъмол билан белгиланади.

Шаҳарсозлик назарияси ва амалиёти хизмат кўрсатиш тизимларини ташкил этишнинг бир қатор маконий моделларни ишлаб чиқди. **«Босқичли» хизмат кўрсатииш концепцияси** энг кўп тарқалди. У аҳолининг кундалиқ, даврий ва эпизодик эҳтиёжларига ва яшаш жойидан тегишли хизмат кўрсатиш муассасаларигача бўлган чегаравий етарлилик радиусларини меъёрлашга асосланади.<sup>7</sup>

Бу ечимнинг алтернативаси сифатида **«коммуникатив»** хизмат кўрсатиш тизими таклиф этилади, унда шаҳар хизмат кўрсатиш тизимини уй жойга яқин

<sup>6</sup> Francis D. K. Ching., Building Construction Illustrated 5th Edition// USA, 2014 p-15

<sup>7</sup> Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015 p-35

бўлган **кундалик** ва шаҳарнинг аҳоли яшовчи элементлари бўйича ажратилмаган ва коммуникацияларга яқинлаштирилган **умумишаҳар** марказлар турларига бўлинади.

Жамоат хизмат кўрсатиши функциялари ривожланишининг ўсиб бораётган динамикаси марказнинг ўзок фаолият даврини, унинг «маънавий барқарорлигини» таъминлаш каби комплекс муаммоларни ечишни талаб қиласди. Марказни ташкил этишнинг бикирлик, динамиклик вазифалари **марказ функциялари ривожланиши прогнозини** ишлаб чиқиш, унинг аҳолига хизмат кўрсатиш билан алоқасини, марказга туташувчи транспорт коммуникациялари ва шаҳарнинг бошка қисмларини ривожланишини ишлаб чиқишни талаб қиласди. Умумишаҳар ахамиятидаги марказлар энг кўп функционал мобиллиги билан характерланади. Жамоат хизмат кўрсатишнинг ривожланиш келажагини билиш марказ бикирлигини таъминловчи шаҳарсозлик усуллари тугрисида гапириш имконини беради. Бу худуддан фойдаланишда ўзгаришларни таъминлови тархий резервларга ва иншоотлардан фойдаланишдаги трансформация билан боғлиқ бўлган функционал – конструктив резервларга тегишилдир. Охир оқибат ечим бугунги кундаги резервлар билан боғлиқ харажатлар хамда кутилаётган эффектни солиштиришга бориб тақалади.

Тураг жой тумани марказининг ўзгаришларга йўликиш даражаси кам, бунинг устига у маълум даражада шаҳарнинг, шаҳарга талпинувчи аҳолининг ўсиши, умумишаҳар қисмларга бўлинишидаги ўзгаришлар, умумишаҳар коммуникациялариниг ривожланиши каби «ташқи» омиллар таъсиридан ажратилган бўлиши лозим. Тураг жой туманини ва унинг таркибида хизмат кўрсатиш марказларини ажратиш вазифалари тураг жой комплексларининг барқарор ишлаш шароитларини таъминлашга йўналтирилгандир.

Тураг жой тумани марказининг ривожланиш динамикаси масалалари биринчи навбатда хизмат кўрсатишнинг таркиби ва сон кўрсаткичларидағи ўзгаришлар билан боғлиқ.

### **1.3 Дам олиш масканлари ва комплексларини лойиҳалашнинг тизимли асослари**

Дам олиш муассасалари ва жойларини маконий ташкил этиш босқичлар иерархиясидан иборат бўлиб, уларни ташкил этиш шаҳарсозлик-войиҳалаш ишлари босқичлари ва даражалари билан боғлиқ холда амалга оширилади.

Рекреацион тизимларнинг **бош ва регионал тўзилмалари босқичида** дам олишнинг хар хил турлари ва шаклларида умумий эҳтиёжлар аниқланади, дам олиш муассасалари ва ҳудудларини ҳисоблаш меъёрлари ишлаб чиқиласди; рекреацион оқимлар, жумладан дам олувчилар, туристлар, курортчилар прогнозлари ишлаб чиқиласди; умумреспублика ва регионал ахамиятдаги рекреацион марказ ва қисмлар, уларнинг функционал типологияси ва сигими, регионл курорт-рекреацион тизимларнинг умумий таркиби аниқланади.

**Туманни режалаштириши тўзилма ва лойиҳаларида** қисқа ва ўзок муддатли дам олиш, курорт даволаниши, туризм туманларини ривожланиш концепцияси ва тархий таркиби ишлаб чиқилади; ҳисоб кўрсаткичлари, муассасалар ва ҳудудлар типологияси аникланади. Бунда лойиҳаланаётган тархий туман аҳолисининг дам олишга бўлган эҳтиёжи ва дам олувчи хамда туристларнинг ташки окимлари комплекс ҳисобга олинади.<sup>8</sup>

**Аҳоли жойлари бош режалари босқичида** аҳоли жойида ёки маҳсус рекреацион қисмларда ташкил этиладиган ихтисослашган дам олиш, туризм ёки курорт дам олиш қисмлари, тархий ечимлари ишлаб чиқилади.

Рекреацион қисм ва обьектлар барча шаҳар ва аҳоли жойлашуви туманларида, аҳолининг дам олишга бўлган эҳтиёжини кондирган холда, шаклланади. Шу билан бирга баъзи аҳоли жойлари ва ҳудудлар учун халқ хўжалигида курорт-рекреацион функцияси етакчи роль ўйнайди. Рекреацион функциялар қимматли ва ўлкан курортологик, рекреацион ва туристик ресурслар асосида амалга ошади. Ҳудудни камраб олиш бўйича қуидаги рекреацион тўзилмаларни ажратиш мумкин:

**регионал босқичдаги курорт-рекреацион тизими** – хўжалик ривожланишида курорт рекреацион функция етакчи йўналиш бўлган республика, вилоят ҳудудининг бир қисми (масалан, Наманган вилоятининг курорт туманлари, Тошкент вилояти Белдерсой дам олиш қисми);

**курорт-рекреацион тумани** – ўзаро боғлиғ даволаш-соғломлаштириш комплекслари, рекреацион хизмат кўрсатиш билан боғлиқ аҳоли жойлари, дам олиш учун мулжалланган табиий ҳудудлардан иборат бир ёки бир неча маъмурий туман миқёсидаги ҳудудий тўзилма;

**курорт шаҳри ёки посёлкаси, туристик марказ-шаҳар** – даволаш, дам олиш ёки туризм функцияси шаҳар ташкилий комплексида етакчи ўрин эгаллаган аҳоли жойлари;

**курорт комплекси** (дам олиш, туризм комплекси) – курорт-соғломлаштириш муассасалари гурухи, улар мустақил бирлик бўлиши ёки шаҳар қурилмаларига қўшилиши мумкин.

Рекреацион фаолият таркиби ва дам олиш ҳудудлари ва комплексларини ташкил этишни тавсифловчи асосий параметрлар бўлиб: дам олиш вақтининг умумий давомийлиги, рекреацион фаолият турлари ва шакллари таркиби кабилар хизмат қилади. Шу кўрсаткичлар бўйича дам олишни қуидаги турларга: қисқа вақтли (хафталик) ва ўзок муддатли; дам олишнинг ўзи, курорт даволаш ва туризм кабиларга бўлинади.<sup>9</sup>

Айтилган дам олиш турларининг ҳар бири: маҳсус туманларда, регионал ва умумреспублика ахамиятидаги дам олиш маҳсус туманларида, қисмларида ва аҳоли жойлари-марказларида; шаҳар яқинидаги қисмларда; шаҳарнинг ўзида жойлашади. Шундай қилиб, **ҳудудий-рекреацион тизим** босқичли ўзаро бўйсунган элементлар: шаҳар ва посёлкалар, аҳоли жойлашуви

<sup>8</sup> S. Keoki Sears ,Glenn A. Sears , Richard H. Clough. Construction Project Management: A Practical Guide to Field Construction Management// USA, 2010 p-28

<sup>9</sup> Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015 p-45

туманлари ва регионлардаги рекреацион муассасалар, комплекслар, дам олиш қисмлари ва туманлари йифиндицидан иборатdir. Рекреацион тизим дам олиш, курорт ва туризм марказларининг ўзини, хамда дам оловчиларга хўжалик хизмат кўрсатувчи кадрлар яшайдиган марказларини ўз ичига олади.

Курорт - рекреацион тизимларни *лойиҳалаш учун асос* бўлиб аҳолини дам олиш ва даволашнинг турли шаклларига эхтиёжини, аҳоли турли ижтимоий-демографик гуруҳларининг турли регионаларнинг специфик эхтиёжларини хамда дам олиш жойлари билан таъминлашда ижтимоий-иктисодий ва техник имкониятларни билиш хизмат қилади.<sup>10</sup>

Энг долзарб вазифа - табиий мухитни кўриклиш вазифаларини ечиш билан бирга рекреацион ресурсларда рационал фойдаланишдан иборат.

Инсоннинг ижтимоий ва руҳий кучларини қайта тиклашнинг асосий йўлларидан бири – дам олиш кунларидаги *қисқа муддатли дам олишидир*. Дам олишнинг турли хилларига тугри келадиган йиллик вақт бюджетининг 60% га яқини хафталик дам олиш билан боғлиқ. қисқа муддатли дам олиш шаҳар кўкаламзор ҳудудларида (боғлар, парклар ва бульварлар) ва шаҳар яқинидаги паркларда амалга оширилади. Шаҳар парклари етарлилик имтиёзига эгадир, аммо ҳудудларининг чекланганлиги туфайли дам олишнинг керакли шаклларини яратади.

Шаҳар яқинидаги қисмда қисқа ва ўзок муддатли дам олиш ҳудудий жихатдан мос тушади. Масалан, ёз даврида ўзок муддатли дам олиш қисмлари (дам олиш базалари, ёшлар лагерлари) хамда табий ҳудудлар бир вақтнинг ўзида қисқа муддатли дам оловчиларнинг тупланиш жойи бўлиб хизмат қилади.

*Аҳолини дам олишининг ҳар хил турларига бўлган эхтиёжи* унинг ижтимоий-демографик таркиби, меҳнат режими, аҳоли жойлашуви шароитларига боғлиқ. Масалан, ўзлуксиз режимли ишлаб чиқариш корхоналари кўп бўлган шаҳарларда хафта давомида дам олиш кунларининг сурилувчи графиги мавжуд бўлиб, рекреацион босимининг нотекислиги текисланади хамда дам олиш муассасалари ва ҳудудларига бўлган бир вақтнинг ўзидағи эхтиёж камаяди.

Дам олиш қисмларига бир вақтнинг ўзидағи босим ва умумий қатновнинг кўрсаткичлари уларнинг лойиҳавий сигимини (хажмини) аниқлашга асос бўлади. Бунда ландшафтни унинг рекреацион босимларга барқарорлиги билан аниқланадиган табиий сигими, шаҳарсозлик тадбирлари билан: режалаштириш, ободонлаштириш, ҳудудни инженерлик тайёрлаш ва жихозлаш хамда ландшафтга интенсив қараш орқали амалга оширилиши мумкин.

Оммовий дам олиш шаклларини ривожлантириш ва кенгайтириш шу соҳадаги ижтимоий асослаш ва шаҳарсозлик ечимларини ишлаб чиқишининг умумий йўналишини белгилайди:

аҳолининг ижтимоий-демографик таркибини акс эттирувчи дам олишга бўлган кўп қиррали эхтиёжларини, дам олиш муассасалари ва ҳудудлари

<sup>10</sup> Francis D. K. Ching., Building Construction Illustrated 5th Edition// USA, 2014 p-65

типологияси ва ҳисоб-китоб меъёrlарини ишлаб чиқишдаги меҳнат ва регионал хусусиятларини ҳисобга олиш кераклиги;

дам олиш муассасалри турлари ва сигимини мавсум талаблари ва циклик мослигини рекреацион ресурслардан фойдаланиш умумий эффективлиги вазифаларини ҳисобга олган холда таъминлаш (шу жумладан дам олувчиларга хизмат кўрсатишда машгул бўлган меҳнат ресурслари), шу мақсадда турар жойлар ва хизмат кўрсатишнинг мобил шаклларидан анча кенгрок фойдаланиш<sup>11</sup>;

шаҳар, шаҳар яқинидаги, регионал ва умумреспублика дам олиш тизимининг функцияларини рационал тақсимлаш ва уларни ўзаро ҳудудий таъсири билан комплекс ривожлантириш;

дам олиш ҳудудларини тархий ечимлар ва инвестицияланиши бўйича рекреацион босимлар фарқи ва табий ландшафтларни муҳофазалаш талабларини ҳисобга олган холда ажратиш.

#### **1.4. Ишлаб чиқариш объектлари (*саноат бинолари*)**

*Ишлаб чиқариш комплексларини лойиҳалашининг тизимили асосларини ишлаб чикиш* – шаҳарсозлик ижтимоиётининг маҳсус кенгайтирилган холда кўриб чиқиши талаб қилдиган катта бўлимиdir. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, қурилиш ва транспорт, саноат соҳаларининг характеристики ва маконий ташкил этишдаги фарқ шу соҳадаги ижтимоий дастурларни умумлаштириб ифодалаш имконини бермайди. Шунинг учун биз ишлаб чиқариш, авваламбор, саноат объектларини лойиҳалашни ижтимоий асослашининг баъзи бир, энг умумий масалаларига тўхталиб ўтамиз.

Турар жойни шакллантиргандек, *саноат объектларини лойиҳалашда бир нечта босқични* ажратиш лозим. Уларнинг асосийлари: саноат бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, шаҳар миқёсида саноат комплекслари ва қисмларини шаҳарсозлик ташкил этиш, регионал босқичда ҳудудий ишлаб чиқариш комплексларини шаклланишидир. Айтилган босқичларнинг хар бири лойиҳалашининг тегишли ижтимоий-функционал дастурларини ишлаб чиқиши талаб қиласди.

Шаҳарсозлик лойиҳалаш вазифалари: шаҳарсозлик воситалари билан ишлаб чиқариши рационал ташкил этиш имкониятларини таъминлаш; индивидуал меҳнат унумдорлигини оширишга шароитлар яратиш; меҳнатни рационал техник жихозлашга маконий шароитлар яратиш киради. Шу билан бир қаторда бугун ишлаб чиқариши концентрлашнинг соҳани монополлаштириш, назорат имкониятларининг ёмонлашуви, табиий мухитга салбий таъсир курсатиш, транспорт харажатларининг усиши билан боғлиқ негатив тамонлари янада кўпроқ аниқланмоқда. Ишлаб чиқаришнинг бир

<sup>11</sup> S. Keoki Sears ,Glenn A. Sears , Richard H. Clough. Construction Project Management: A Practical Guide to Field Construction Management// USA, 2010 p-50

қатор соҳаларида, авваламбор истеъмол таварларни ишлаб чиқаришда эҳтиёжларни анча бикир ва мобил кондирувчи урта ва кичик ишлаб чиқаришни шакллантириш максадга мувофиқдир. Кичик корхоналар сонининг ўсиши ишлаб чиқаришнинг кооператив шакллари ривожланиши билан хам боғлиқ. Шундай қилиб, корхоналарнинг умумий таркиби ва оптимал параметрлари регион ва шаҳар босқичларида конкрет ишлаб чиқариш, соҳалар ва соҳаларо алоқаларни ташкил этиш талабларидан келиб чиқади.

*Лойиҳаолди таҳлилиниң* вазифаси ишлаб чиқариш комплексларини функционал таркибини аниқлаш ва жойлаштиришда табиий, техноген ва меҳнат ресурсларини комплекс ижтимоий-иқтисодий баҳолашдир. Бу ерда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалаларига ижтимоий режалашнинг мухим бўлими сифатида тўхталиб ўтамиз. Меҳнат ресурсларидан уларнинг квалификацияси, меҳнат уқуви, жинс ва ёш таркибини ҳисобга олган холда рационал фойдаланиш – ишлаб чиқаришни режали ривожлантиришнинг асосидир. Ишлаб чиқариш комплексларини лойиҳалашда жамоат ишлаб чиқаришга шаҳарнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисини энг кўп жалб қилишини таъминловчи иш жойларининг мувозанатли нисбатини назарда тутмок лозим. Шу мақсадда шаҳарда турли саноат ихтисослигидаги корхоналарни хам эркак, хам аёллар меҳнатидан фойдаланиш имкониятларини ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг квалификациясини ҳисобга олган холда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятини шаҳарсозлик ташкил этишнинг мухим томони бўлиб рационал *меҳнат коммуникациялари тизими* шакллантириш хизмат қиласи. Бугунги кунда йирик шаҳарларда аҳолининг иш жойларига боришга кетадиган вақт харажатлари кунига 1.5 – 2 соатни ташкил этади. Бу харажатларни қисқартириш нафақат эркин вақт резервини ошириш, балки бир вақтнинг ўзида у меҳнат унумдорлигини оширишга хам таъсир кўрсатади. Меҳнат алоқалари тизимини такомиллаштириш меҳнат ресурсларини анча рационал тақсимлаш имкониятларини белгилайди.

Айтилган муаммони шаҳарсозлик воситалари билан ечишга: меҳнат бўйича мувозанатлашган ишлаб чиқариш-аҳоли яшовчи тизимларининг шаклланиши; ишлаб чиқаришнинг ортиқча концентрлашувини бартараф қилишда; коммуникациялардан эффектив фойдаланиш нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш ва аҳоли яшаш ҳудудларини рационал қисмларга бўлиш; транспорт магистраллари ва маршрутларини рационал трассалаш киради. Шаҳарнинг ишлаб чиқариш комплексларини жойлаштириш ва ривожлантиришда аҳоли жойлашуви характерини, меҳнат миграциялари миқёси ва таркибни олдиндан аниқлаб, ҳисобга олиш лозим.

Ишлаб чиқариш обьектларини лойиҳалашнинг мухим ижтимоий томони *атроф мухитини кўриклашдир*. Шаҳар мухитини ва шаҳарни ураб турган табий ландшафт элементларини ифлослантиришнинг асосий манбаълари – саноат ишлаб чиқариши ва транспортдир. Мухитни кўриклашнинг иккита ижтимоий томонини кўрсатиш мумкин. Биринчиси – аҳоли ҳаёт фаолиятининг асоси сифатида табий мухитни сақлаб қолиш масаласи ва иккинчиси – шаҳар

мухити шароитида инсоннинг ўзини «кўриқлаш» га каратилган ижтимоий-гигиеник томонидир.

Ишлаб чиқариш комплексларини шакллантиришда айтилган масалаларни ечиш бўйича бир қатор шаҳарсозлик чоралари ишлаб чиқилади. Уларни асосийларини кўриб чиқамиз.

Табиатни кўриқлаш мақсадлари ишлаб чиқаришни шундай худудий гурухлаш ва кооперациялаш талабларини илгари сурадики, улар ижтимоий-иктисодий эфект билан бир қаторда *ишлаб чиқариш чиқиндиларини утиллаштириши* ва атроф-мухитга босимни камайтириш ҳисобига экологик эфектни таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш комплекслари учун атроф муҳитни қуриқлаш ва қайта тиклаш бўйича умумий тадбирлар ўтказишни кўзга тутиш лозим. Шунинг учун комплекс корхоналари таркибига, худудда корхоналарни энг рационал гурухлашга бўлган шаҳарсозлик талаблари аниқланади. Ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириш шаҳарсозлик қисмларга бўлиш тизимида саноатни жойлаштириш меъёрларини муҳитни сақлаш нуқтаи назаридан даврий кўриб чиқиши талаб қиласди.

Муҳитни кўриқлаш бўйича тадбирлар кенг доирадаги масалаларни ўз ичига олади, уларни шаҳар муҳити табиий компонентларини химоя қилиш бўйича чоралар кўриш (хаво, сув, тупроқлар, ўсимликлар); шаҳар аҳолиси ва корхоналар хизматчиларини шовқин, вибрация, иссиқлик юкланишлари ва бошқалардан химоялаш чоралари; шаҳар муҳитини кўриқлашнинг бир қатор масалаларини комплекс хал этувчи шаҳарсозлик чораси сифатида санитар-химоя қисмини шакллантириш; бўзилган ерларни рекультивациялаш ва улардан рационал фойдаланиш кабиларга бўлиш мумкин.

*Хаво ва сув ҳавзаларини, тупроқ ва ўсимликларини химоялаш* аҳолининг санитар-гигиеник комфортини таъминлашга хамда шаҳарда табиат комплекси элементларини қайта ишлаб чиқариш табиий жараёнларини сақлашга йўналтирилган. Бу масалани ечишнинг шаҳарсозлик томонлари: ландшафт табиий характеристикаларини ҳисобга олган холда шаҳарни рационал қисмларга бўлиш; заарали чиқиндиларни анча тула локализациялашни таъминловчи ишлаб чиқариш комплекси доирасида қисмларга бўлиш; химоя қисмларни шакллантириш ва улардан рационал фойдаланиш; шаҳарни ўраб турган худудларни санитар-гигиеник талаблар хамда табиий комплексларни техноген босимларга мустахкамлиги нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш худудларини жойлаштиришда ҳисобга олиш.<sup>12</sup>

Аҳолини корхоналар ва шаҳар транспорти иши билан боғлиқ *шовкин ва вибрациялардан химоялаш* хам рационал қисмларга бўлиш орқали таъминланади ва бир вақтнинг ўзида шовкиндан химоялаш экранларини шакллантириш, маҳсус тархий ва конструктив ечимга эга иморатлардан фойдаланиш, вертикал режалаштиришнинг турли усусларини кўллаш ва х.к. чораларни з ичига олади.

<sup>12</sup> S. Keoki Sears ,Glenn A. Sears , Richard H. Clough. Construction Project Management: A Practical Guide to Field Construction Management// USA, 2010 p-55

Шаҳарнинг ишлаб чиқариш қисмини лойиҳалашда химоя тадбирларини ўтказиш айниқса долзарбdir. Биз ишлаб чиқариш комплекслари *санитархимоя қисмларини шакллантиришидек* шаҳарсозлик вазифасини хозирги шароитдаги ишлаб чиқариш технологиялари ва заарли чикқиндиларни тозалашдаги камчиликларга энг таъсирчан компенсация воситаси сифатида ажратамиз. Бу масала йирик оғир саноат корхоналарини лойиҳалаш учун айниқса долзарбdir.

Химоя қисмларнинг таъсири эффективлиги ҳудудни рационал-тархий ташкил этиш, параметрларини оптималлаштриш, кўкаламзорлаштириш учун санация хусусиятларига эга бўлган ўсимликлардан фойдаланиш орқали таъминланади.

Шу билан бирга мухитни ифлослантириш манбаъларини ва бошқа шаҳар хамда шаҳар ташқарисидаги қисмларни ҳудудий ажратиш муаммони туғри ечолмайдиган мажбурий чора эканлигини тушуниш лозим. Бу юқори урбанизациялашган туманларда янада яққол билинади. Ишлаб чиқаришни шаҳардан ўзоқлаштириш табиий мухитни кўриқлашни таъминламайди, у шунингдек ишлаб чиқаришнинг усиши билан етарли булмаслиги мумкин. Шунинг учун экологик ҳолатни яхшилашнинг бош йўналиши бўлиб ишлаб чиқаришни чиқитсиз циклларини ривожлантириш ва чиқитларни тозалашнинг ишончли технологиясини кўллашни ҳисоблаш лозим.

Ишлаб чиқариш комплексларини ривожлантиришнинг долзарб муаммоси – *бўзилган ҳудудларни ўзлаштиришидир*. Бу муаммонинг ижтимоий томонлари шаҳар ва туманни бу ҳудуддан фойдаланиш эҳтиёжларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий талабларни ва ландшафт реконструкциясининг экологик кўрсаткичларини комплекс ҳисобга олиш нуқтаи назаридан бўзилган майдонлар ва қисмлардан фойдаланишнинг йқналишларини белгилаш билан боғлиқ. қазиб олиш саноати туманларида саноат ва турар жой қисмларини ривожлантириш учун ҳудуд танлаш хам анчагина жиддий муаммодир, хусусан фойдали қазилмалари бор қисмларда қурилмаларни жойлаштириш бўйича ёки аҳолини меҳнат қисмларига етказишни таъминлаб, уларни эркин ҳудудларга чиқариш бўйича ечимларни ижтимоий-иқтисодий солиштириш шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, *саноат комплексларини лойиҳалашнинг ижтимоий томонларига*: ишлаб чиқаришни ташкил этишни, ишчиларнинг индивидуал меҳнат унумдорлигини оширишни, меҳнатни эффектив техник жихозлашни ҳисобга олган холда лойиҳалаш дастурини ишлаб чиқиш; саноат корхоналарини рационал гурухлаш, шаҳарсозлик қисмларига бўлиш ва бўзилган ҳудудларни рекультивация қилиш воситалари билан атроф мухитни муҳофазалашни таъминлаш қиради.

Айтилган томонларнинг ахамияти лойиҳалашнинг хар хил босқичлари учун турличадир. Масалан, *иморат ва иншоотларни лойиҳалашни ижтимоий асослашда* индивидуал меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришни техник жихозлашни ҳисобга олган холда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш кўрсаткичлари катта роль ўйнайди, ижтимоий

дастурлар бевосита меҳнат жараёнлари мухитини шакллантиришга йўналтирилади.

Шаҳар саноат қисмлари ва комплексларини лойиҳалаш босқичида саноат корхоналарини ижтимоий-иктисодий ва экологик эффективлик талаблари бўйича гуруҳлаш, саноат комплексида керакли дам олиш муассасалари ва ҳудудлари йигинидисини тузиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, бир қатор холларда ривожланган илмий-техник марказларни шакллантириш вазифалари туради. Шаҳарни лойиҳалаш босқичида мухим вазифа бўлиб меҳнат балансини, ахолининг ижтимоий-касбий ва демографик таркибига мос меҳнат жойларининг керакли хилма хиллилигини таъминлаш хизмат килади. Шаҳарни қисмларга булиш тизимида саноат комплексларини жойлаштиришда ахолининг меҳнат харакатлари талабларини, корхоналар ишлаб чиқариш алоқаларини ва атроф мухитни кўриқлаш вазифаларини комплекс ҳисобга олиш лозим.

*Туманни режалаштириши ва региона аҳоли жойлашуви босқичида* ишлаб чиқариш комплексларини шакллантириш хўжалик ҳудудий таркибини оптималлаштириш ва ресурслардан комплекс фойдаланиш билан боғлиқ. Бу босқичда ечимнинг энг мухим томонлари бўлиб ҳудуднинг меҳнат, табиий ва техноген ресурсларини умумий ва соҳа бўйича ижтимоий-иктисодий баҳолаш; вилоят ва республика туманлари бўйича ишлаб чиқаришни тақсимлаш нисбатларини аниқлаш; ҳудуднинг иктисодий ва демографик сигимини аниқлаш; турли ўлчамли ва ҳалқ хўжалиги профилидаги шаҳарларда ишлаб чиқаришни жойлаштириш бўйича ечимлар қабул қилиш ҳисобланади. Бу босқичда ишлаб чиқариш комплексларини ташкил этиш саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш турлари бўйича қисмларни комплекс кўриб чиқиши талабларини ўз ичига олади.

### **Назорат саволлари:**

1. Саноат обьектларини лойиҳалашда қандай асосий босқичларни ажратиш мумкин?
2. Ишлаб чиқариш обьектларини лойиҳалашга қандай вазифалар киради?
3. Корхоналарнинг умумий таркиби ва оптимал параметрлари нималарга боғлиқ?
4. Ишлаб чиқариш обьектларини жойлаштириш соҳасида лойиҳаолди тахлили нималарни ўз ичига олади?
5. Мехнат ресурсларидан фойдаланиш ижтимоий режалаштиришнинг мухим бўлими сифатида.
6. Мехнат коммуникацияларининг рационал тизимини шакллантириш – ахолининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишни мухим томони.
7. Ишлаб чиқариш комплексларини лойиҳалашда атроф мухит мухофазаси.

8. Ишлаб чиқариш қисмлари ва комплексларини шаҳарсозлик лойиҳалашда табиатни кўриқлаш бўйича қандай асосий тадбирлар ҳисобга олиниши мумкин?

9. Ишлаб чиқариш комплекслари санитар-химоя қисмлари тўғрисида нималарни биласиз?

10. Бўзилган ҳудудлар муаммоларининг ижтимоий томонлари нималардан иборат?

11. Саноат комплексларини лойиҳалашнинг ижтимоий томонлари нималарни ўз ичига олади?

12. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ижтимоий томонини кўриб чиқувчи лойиҳа ишлариниг асосий босқичларини тавсифланг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. S. Keoki Sears ,Glenn A. Sears , Richard H. Clough. Construction Project Management: A Practical Guide to Field Construction Management// USA, 2010.

2. Edward Allen, Joseph Iano. Fundamentals of Building Construction: Materials and Methods// London, 2012.

3. Gang Chen. Building Construction: Project Management, Construction Administration, Drawings, Specs, Detailing Tips, Schedules, Checklists, and Secrets Others Don't Tell You: Architectural Practice Simplified// USA, 2012.

4. Barbara J. Jackson. Construction Management JumpStart: The Best First Step Toward a Career in Construction Management// London, 2010.

5. Alan Griffith. Integrated Management Systems for Construction: Quality, Environment and Safety// London, 2013.

6. Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015.

7. Francis D. K. Ching., Building Construction Illustrated 5th Edition// USA, 2014.

### **2-мавзу. Бино ва иншоотлар қурилишини тизимли бошқариш**

#### **Режа:**

2.1. Курилиш ташкилотларида тизим тушунчаси.

2.2. Ҳиссадорлик жамиятлари тўзилмалари.

2.3. Концерн, корпорация, ассоциация ва фирма ишларини уюштириш асослари.

**Таянч сўз ва иборалар:** бош тарх, “ассоциация”, “таҳлил”, “тизим”, тизимли таҳлил, тизимли ёндашии, “корпорация”, “концерн”, “фирма”, ҳиссадорлик жамияти.

## 2.1. Қурилиш ташкилотларида тизим тушунчаси.

Бошқариш **тизими** деганда бошқарув мақсадини амалга оширувчи ва функцияларни бажарувчи бир-бири билан боғланган турли бошқарув органлари ва бўғинларининг мажмуи тушунилади. Бошқаришнинг у ёки бу вазифаларини ҳал қилиш учун муайян органлар тўзилади. Бошқариш органлари **тизими қўйи** органларнинг **юқори** органларга бўйсуниши ва улар ўртасидаги ўзаро алоқа бошқариш тўзилмаси тушунчасини ташкил қиласди. Бундай тизим одатда бошқарув аппарати тизими деб юритилади. У бир бошқарув органининг бўлимлари таркибини билдиради. Бошқариш тизими ишлаб чиқариш таркиби билан ҳам ифодаланади. Бунда бошқаришни ташкил этишнинг даслабки ва белгиловчи омили ишлаб чиқариш жараёни бўлиб ҳисобланади. У ўзаро боғланган асосий ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнлардан иборат бўлиб, бу жараёнлар бўлимлар ва ходимлар ўртасида меҳнат тақсимотини талаб қиласди. Шу мақсадда ишлаб чиқариш бўлимлари ва уларга хос бўлган бошқарув аппарати тўзилади.<sup>13</sup>

Бошқариш бўғини бу бошқаришнинг айрим ёки қатор функцияларини бажарувчи мустақил бўлимларидир. Бу бўлимлар ўртасидаги боғланиш ва алоқалар горизантал тавсифга эга. Бошқариш босқичи бу **иерархиянинг** муайян даражасида амал қиласиган бўғиндир.

Бошқариш босқичлари бир бошқариш бўғинининг одатда қўйи бўғиннинг юқори бўғинга изчиллик билан бўйсунишини кўрсатади. Барча бўғин ва босқичларнинг таркиби ва уларнинг ўзаро бўйсуниш тартиби ҳар бир бошқарув органи ва бўғиннинг хуқуқ ва бурчлари шунингдек, улар ўртасидаги муносабатлар тартиби ахборот каби бошқаришнинг ташкилий унсурлари бошқариш тизимини ташкил қиласди. Шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, кўпгина ҳолларда янги корхона ёки муассасалар тузиш пайтида аввал бошқариш ва бўғинларнинг таркиби, бошқарув маъмурияти штатлари белгиланади, сўнгра улар ўртасида функциялар тақсимланади. Бу жараён аксинча бўлиши керак, яъни дастлаб мақсадга биноан функциялар сони аниқланиши, шундан сўнг бошқариш тўзилмасини ташкил этишга киришиш керак, масалан, агар функция миқёси унча катта бўлмаса, у ҳолда мазкур корхонада бирон бир бўлинмани ташкил қилишга ёки қўшимча лавозимни киритишга хожат қолмайди.

Қурилиш корхонасининг катталиги, ихтисослашиши, бошқарув вазифаларининг турличалиги раҳбардан ўз хуқуқларининг бир қисмини муовинларига беришга мажбур қиласди, чунки бошқарув қонуниятларидан бири самарали бошқариш учун бошқарилувчилар сони бошқарилиш меъёридан ошмаслиги кераклигини талаб қиласди. Шунинг учун қурилиш корхонасининг бошқарув ташкилий **тизимининг беш** тури мавжуд:

- чизиқли;
- функционал;
- ночизиқли;

<sup>13</sup> Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015 p-72

чизиқли – функционал;  
матрицасимон.

Улар бири-биридан бошқарувнинг марказлаштирилганлиги ва бошқарув поғоналари сони билан фарқланади.

Бошқарув ташкилий тўзилмаларининг чизиқли турида қўйи поғона бошқарувчилари бевосита юқори раҳбарга бўйсунишади. Бундан ўлароқ хар бир ишчи (хизматчи) факат битта раҳбарга бўйсунади. Натижада бошқарувда қарама-қаршиликлар ва ноаниқликларга ўрин бўлмайди, чунки буйруқлар факат бир кишидан келади. Бунда яккахол бошқариш принципи яққол ва тўлақонли равишда амалга ошади. Ташкилот раҳбарига бошқарув поғоналарига қараб бевосита участка бошлиқлари, прораб, усталар бўйсунади. Бундай бошқаришда катта тажриба ва маҳорат талаб қилинади.

Ҳозирги замонда аҳборот **оқимлари** мунтазам кўпайиб боришида бир киши барча вазифаларни ечишда сўзсиз билим ва тажриба эгаси бўлиши мураккаб. Шунинг учун чизиқли тўзилма катта ва мураккаб таркибга эга қурилиш корхоналарида соф кўринишда кам учрайди.

Менежмент фаолиятида бошқарув қарори, унинг турлари ва қабул қилиш жараёни. Бошқарув фаолиятининг самарадорлиги кўпинча қабул қилинаётган қарорга боғлиқ. Корхонадаги бутун савол ва муоммолар занжири уларнинг аник ечилиши бошқарувчига юклangan, ишлаб чиқариш, техниковий, ижтимоий, иқтисодий, маркетинг ва хуқуқий вазифалар қарорларнинг тўғри қабул қилиш ва ўз вақтида бажарилишига боғлиқ. Ечилаётган муаммоларнинг ҳаммаси ҳар қандай бошқарув томонидан ҳисобга олинади ва бу нарса унинг бошқарув услубида бутун бошқарув жараёнида акс этади.

Иқтисодиётни бошқаришдаги ечимларнинг моҳияти кўпгина объектив омилларга боғлиқ. Улардан энг асосийси – ишлаб чиқариш воситаларига турли мулкчилик: ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг чукур тақсимланиши ва ихтисослашувига: меҳнат ва моддий – техниковий воситаларини турлича бошқариш: соҳалараро ишлаб чиқаришлараро алоқаларининг кенгайишини: қўшма корхона тузиш: маркетингни амалда қўллаш: корхона ва соҳаларнинг ташки иқтисодий алоқаларга чиқиши, бошқарув қарорларини қабул қилишдаги жавобгарчилик.

**Бошқарув қарорлари** – кенг маънода жамиятдаги моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг реал қондирилиш имкониятлари билан бир нуқтада келишувини англайди. Халқ хўжалигидаги бу муаммонинг ечими мавжуд қонунлар, фармонларнинг бизга боғлиқ бўлмаган қонуниятларининг бир-бирига мувофиқ келишидир.

Бошқарув қарори – шунингдек, корхона олдида турган мақсад ва вазифасини амалга ошириш демакдир. Айнан шу жараёнда юзлаб, минглаб инсонлар ўз эҳтиёжларини қондиради, мавқега эга бўлади, ҳар томонлама ўсади ва умуман жамият ривожланади.<sup>14</sup>

Қарорларнинг ишлаб чиқилиши ва амалда қўлланиши раҳбарнинг кейинги фаолиятидаги силжишларга боғлиқ.

<sup>14</sup> Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015 p-78

Битта муаммо бўйича бир неча қарорлар ишлаб чиқилади ва улардан биттаси амалда қўлланилади. Бу қарорлар таснифи муҳим назарий ва ҳаётий аҳамиятга эга.

Бошқарув фаолиятининг самарадорлиги нуқтаи назаридан қарорлар қўйидаги турларга бўлинади: стратегик ва оператив.

**Стратегик қарор** – бу корхонанинг фаолияти билан боғлиқ бўлган мақсад ва миссияларнинг шаклланиши.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу қарорлар корхонанинг фаолиятидаги янгича ёндашувлар, кескин бурилишларнинг силлиқ ўтишини таъминлайди. Стратегик қарорлар корхона, худуд, соҳа даражасида қарорлар, жамиятдаги янги манбалар хисобига бутун иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишга ёрдам беради.

**Оператив қарорлар** – моҳияти бўйича хўжалик бошқаруви қарорлариdir. Улар бошқариладиган обьектни ўзлуксиз ишлаш жараёнини қўллаб-кувватлаш учун жорий шахсий муаммолар бўйича қабул қилинади. Яъни, унинг мураккаб тузилишини таркибий ва ўзаро алоқаларни ўзгартирмасдан ушлаб туришдир. Бу қарорларни раҳбар маҳсус тайёргарликсиз етарлича тез қабул қиласи. Бундай қарорларга ходимларни ишга олиш ва бўшатиш, улар иш ҳақларининг ўзгариши, корхонани қишига тайёрлаш ҳақидаги ва шу каби ҳужжатларни киритиш мумкин.

Ҳаракат доираси бўйича бошқарув қарорларини иқтисодий, ташкилий ижтимоий ва технологик қарорларга бўлиш мумкин.

Шунингдек, бошқарув қарорлари бошқарув даражаси бўйича ҳам қўйидаги босқичларга бўлинади: уста, участка бошлиғи, цех бошлиғи, корхона ва бирлашма раҳбари, вазир ва ҳоказо.

Қарорлар таъсир қилиш йўналиши бўйича ташқи ва ички бўлади. Ташқи қарор бошқарувнинг бошқа, ташқи поғонасига қаратилади, ички қарор эса алоҳида бўлимлар ёки корхонани қамраб олади. Бошқарув қарорлари функционал мазмуни бўйича иқтисодий, ташкилий, уйғунлаштирувчи, рафбатлантирувчи, бошқарув ва назорат қарорларига бўлинади.

Қайта ишлашни шакллантириш бўйича шахсий, ҳамкасбий ва малакавийларга бўлинади.

Шахсий қарорлар раҳбарнинг жамоадаги келишувисиз ва муҳокамасиз ёки алоҳида шахслар томонидан ишлаб чиқилади. Кўпинча булар корхона тараққиёти йўлидаги ўта муҳим муаммоларга даҳли бўлмаган оператив қарорлардир. Ҳамкасбий қарорлар асосан моддий тайёргарлик талаб қиласидиган, бир гурӯҳ мутахассислар ва раҳбарлар томонидан ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган қарорлардир. Улар мазмун жиҳатидан турличадир. Жамоа қарорлари лавозимидан қатъи назар бутун тингловчилар томонидан умумий мажлисда ишлаб чиқилади. Бундай қарорлар ишлаб чиқишининг муаммоли мисолини кўриб чиқишида қабул қилинади.

Мехнат тури бўйича қарорлар стандарт ва ностандарт қарорларга бўлинади. Стандарт қарорлар тез-тез учраб турадиган ва аниқ ечимга эга муаммоларга тайёрланади ва қўлланилади. Уларнинг дастурларини тўзиб

қўйилса қарор ишлаб чиқиш жараёнини ЭҲМлар ёрдамида автоматлаштириш мумкин. Дастурлаш мумкин бўган қарорлар математик модел шаклида тасвиранади.

Ностандарт қарорлар – бу энг мураккаб, энг кўп учрайдиган қарорлар. Ҳал қилинадиган муаммога ижодий ёндашиш билан ажралиб туради. Ижодий қарорлар ҳар доим жадаллик ва янгиликда намоён бўлади. Бироқ ностандарт тавсифланган муаммони дикқат билан таҳлил қилиш зарур, чунки, чуқур, кенг таҳлил қилинса, бир қатор алоҳида муамоларга бўлиб чиқилса муаммо унчалик янги эмаслигини кўриш мумкин.

Шу тариқа бошқарув қарорлари инсон фаолиятининг ҳар қандай доирасида ташкилий бошланиш бўлиб ҳисобланади. Унинг асосида қонунлар тасдиқланади, моддий техник, молиявий ва меҳнат ресурсларини ишлатиш режалаштирилади, ижрочилар ва раҳбарлар масъулияти оширилади ва мақсадга етишда уларнинг ўрни белгиланади.

Бозор муносабатлари мезонида бошқарув қарори менежментнинг бош омили ҳисобланади. Қарорларда корхона, тармоқ тараққиётининг бутун иқтисодий ва ижтимоий муаммолари тўқнашади ва бир жойда тўпланади. Бошқарув қарорларининг самарадорлигига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- раҳбарият ёки гурухнинг шахсий сифатлари;
- қарорнинг чиқарилишидаги шароит, унинг ахборот таъминоти;
- ташкилий тавсиф омиллари (қарор ишлаб чиқишга мутахассисларни жалб қилиш, услублар тизими ва қабул қилинган қарорни бажарувчиларга етказиш шакли, назорат тизими ва х.к);
- техниковий омиллар (электроника воситаларидан фойдаланиш ва х.к);
- қарорни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишдаги вақтингчалик омиллар.

Булардан келиб чиккан ҳолда бошқарув қарорларига қўйидаги асосий талаблар қўйилади: қабул қилинадиган қарор демократик бўлиши; илмий асосланганлиги; аниқ йўналганлиги; аниқ йўналтирилганлиги; вақт бўйича қисқа ва аниқ бўлиши; қарор тез амалга оширилиши.

Менежмент амалиётида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашнинг кўплаб шакл ва усуллари мавжуд. Саволлар мураккаблиги ва мазмунига кўра бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилиш, иқтисодий таҳлил, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланиш раҳбар фаолиятида уни билиш конкрет қарорларни кўриб чиқишга ёрдам беради.

**Қарор** қабул қилишдан олдин раҳбар қўйидагиларни аниқлаб олиши шарт.

1. Ҳаракатнинг мақсади ва унга эришиш йўллари.
2. Муаммонинг муҳим тарафлари.
3. Керакли моддий, маблағ ва меҳнат ресурслари.
4. Бажарувчиларнинг вазифалари.
5. Вазифа бажарилишини ташкил этиш тартиби.

Менежментда қарор қабул қилиш марказий масала ҳисобланади, чунки ҳар бир раҳбар фаолиятида, унинг поғонаси ва масъулиятидан,

муаммоларнинг катта кичиклигидан қатъи назар хар дамда қарор қабул қилиш билан боғлиқ ва унинг маҳорати қабул қилган қарорда акс этади. Айтиш мумкинки, ҳар бир киши бу жараённи ўзи билмаган ҳолда тинимсиз бошидан кечиради. Булардан энг соддаси эрталабки туришда, юванишда, нонушта қилишда ва ҳ.к. ҳолларда учрайди. Мураккаброғи, масалан, эрталаб уйғониб бугун дадангизни туғилган кунлиги эсингизга тушади. Бу ҳол қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳаёлингизда бир зумда шароит ойдинлашади: тухфа тайёр эмас; сиз дарсга кеч қоляпсиз; домла қаттиқўл кечиксангиз оралиқ назоратга қўймайди; бозордан бирор нарса топиш мумкин лекин стипендия тугади ва ҳ.к. ва ш.ў. ҳолатлар. Уларнинг ҳар бири кўплаб ечим варианatlари билан боғлиқ. Вариантлар бир зумда қўзолдингиздан ўтди, ҳеч бири сизни қониқтиrmади, чунки уларни амалга ошириш учун ёки вақт этишмайди, ёки маблағ, эринчоқлигингиз ҳам бор. Эврика, баҳtingизга опангиз бор. У киши пухта, ҳамма нарсани олдиндан башорот қилиб юрувчи, очиқўнгил, содда, яна у сизни жуда яхши қўради. Ечим тайёр, опангиз олдига бориб маслаҳат солмоқчи бўлдингиз, кечки оила йиғилишига нима олиб келай десангиз, опангиз бир оз кечикканингизга койидиларда, ҳозирнинг ўзида, нонушта дастурхони атрофида табриклиш ва ўзи тайёрлаган тухфани икковингиз номингиздан инъом этишни таклиф беради. Раҳмат айтиб, хийла билан бир оз мақтаб опангиз таклифини қабул қилдингиз. Бу сизнинг қарорингиз эди ва уни маҳорат билан амалга оширдингиз. Бундай ҳолатлар ҳар зумда, ҳар кимсада учрайди, қарорга келишни талаб қиласди, Фақат амалиётда, ўта катта ва мураккаб тизимларни бошқаришда муаммолар ҳам ўзига яраша.

Бошқарув қарорлари таснифи бўйича: **яккахол; жамоа ва коллегиал** турларига бўлинади.

Ташкилот фаолияти билан боғлиқ бошқарув қарорлари бевосита раҳбар томонидан ишлаб чиқиласди, бу қарорлар ташкилот мезони ва қонунчиликка зид келмаслиги керак. Аммо, бошқарув ташкилий тўзилмалари тавсифида кўрсатилгандек, раҳбар қўл остида функционал ва соҳалар бўйича мутаҳассислар фаолиятда, улар ўз лавозим вазифалари доирасида малакали ходимлар. Жамоа —кенгашда қарорларни ишлаб чиқишининг барча босқичларида фаол иштирок этади, раҳбар варианtlарни тахлил қилиб, ўзи, яккахол қарор қабул қиласди. Жамоа маслаҳати билан яккахол қабул қилинган қарор жамоавий (коллегиал) дейилади. Катта уюшмаларда раҳбар қошида — коллегия деб номланган бошқарув органи ташкил қилинади ва унга қуйи худудий ташкилотлар раҳбарлари ҳам таклиф этилади.

Бошқарув қарорлари жамоа демократияси ва ўз-ўзини бошқариш тамойили асосида жамоа бўлиб қарор қабул қилиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Бошқарув қарорини ўз-ўзини бошқариш асосида ишлаб чиқиш кучларни бирлаштириш ва жамоанинг жисплашишига олиб келади. Бундай қарорлар **жамоа** қарорлари деб юритилади.

**Мураккаб** қарорни қабул қилиш жараёни қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Мақсаднинг аникланиши, муаммони тушуниш ва **керакли ахборотни** йигиши.

2. Йиғилган ахборотлардан қарор варианtlарини ишлаб чиқиши.
3. Вариантларни таҳлил, муҳокама қилиш ва баҳолаш.
4. Оптимал вариантни қабул қилиши.
5. Қарорни керакли шаклда ҳужжатлаштириш.
6. Қарорни бошқарувчига киритиши.
7. Қарорни тасдиқлаш.
8. Қабул қилинган қарорнинг бажарилишини ташкил қилиши.
9. Қарор бажарилишининг назорати ва ҳисоботи.

**Биринчи** босқич жамоадаги ижтимоий-иктисодий жараённи таҳлил қилиш асосида амалга ошади. Бу босқич раҳбар ва жамоа ўртасидаги ўзаро муносабатга боғлиқ, бу босқичда ишлаб чиқариш ўзлуксизлигини таъминлаш мақсадида раҳбар ижтимоий-иктисодий муаммоларни ечишга катта эътибор бериши керак.

**Иккинчи** босқичда йиғилган ахборот таснифланади, таҳлил қилинади ва баҳоланади. Бу босқич мураккаб жараён бўлиб малака, билим ва тадбиркорликни талаб қиласди.

**Учинчи** босқичда ахборотни йиғиш давом этади, унинг хақиқий имкониятлари баҳоланиб, бир-бирининг ўрнини босадиган қарор варианtlари масъул шахслар томонидан ишлаб чиқиласди. Муқобил варианtlар масъул шахслар томонидан ишлаб чиқиласди, бевосита раҳбар назорати остида бўлади.

**Тўртинчи** босқичда муқобил қарорларнинг таҳлили ҳар томонлама маҳокама асосида амалга ошириласди. Қанчалик муқобил йўл бўлса, қарорнинг оптимал вариантини тайёрлаш шунчалик самарали бўлади.

Бошқарув қарорининг турли варианtlарини таҳлил қилиш ва баҳолаш одатда уларнинг таҳлили ва ҳисботини компьютерда таққослаш орқали амалга ошириласди. Кейин дикқат билан ҳар бир варианtnинг баҳоси кўриб чиқиласди. Шу асосда сўнгги ва оптимал вариант танланади (**5-босқич**):

Олтинчи-еттинчи босқич, шунингдек, кам аҳамиятли мазмунга эга бўлган танланган қарорнинг аниқ тасвири бериладиган босқичдир.

Бу жараёнда ҳужжатнинг икки қисми кўриб чиқиласди: аналитик ва конструктив. Аналитик қисмида муаммонинг келиб чиқиши сабаблари, конструктивликда эса муаммони ечиш учун воситалар ва ресурслар, асосий йўллар ва услублар кўриласди. Қарор ишбилармонлик хусусиятига эга бўлиши керак.<sup>15</sup>

Бошқарув қарорлари амалда кўпинча умумий сўзлар билан белгиланади (мажбур қилмоқ, талаб қилмоқ, кўрсатмоқ, назарда тутмоқ ва ҳ.к.)

Охирги ва энг зарури саккизинчи ва тўққизинчи босқичлар бўлиб, улар қабул қилинган қарорнинг батафсил жараёнини ташкил этиш билан бевосита боғлиқ.

Бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш, амалга ошириш жараёни аниқ тизимга ёндашиш ва назорат қилишни талаб қиласди:

- ахборотнинг ягона мажмуа тизимини яратиш. У ишлаб чиқариш жараёнини таркибий қисмларини қамраб олади;

<sup>15</sup> Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015 p-81

- корхонанинг иқтисодий, ижтимоий руҳий аҳволини ўз вақтида ва аниқ тавсифлаш;
- муаммоларни ечишни тезлаштириш иқтисодий ишлаб чиқариш, ижтимоий руҳий муҳитлар ва унинг ўзгариши билан боғлик;
- алоҳида бўлмаган ва шу билан бирга кўп вариантли ечимлар таҳлили;
- ишлаб чиқаришга таъсир қиласидиган кучларни аниқлаш, улар самарадорлигини ошириш;
- ташкил қилиш учун оператив ахборот, ҳисоб-китоб ва статистикадан фойдаланиш.

Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида жамғармалар ҳажми, қурилиш-монтаж ишлари тизими ўзгариб бормоқда.

Ҳозирги замон босқичида қурилиш мажмуаси ривожланишида қурилишни ташкил қилиш услублари ва шакллари борган сари такомиллашмоқда.

Қурилиш халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари билан ўзлуксиз равишда боғлиқдир. Қурилиш тармоғининг ўзи ҳам обьектларнинг белгиланиши аломати бўйича қуйидагича турларга бўлинади, яъни:

- туар-жой фуқаро қурилиши;
- транспорт қурилиши;
- энергетика қурилиши;
- саноат корхоналари қурилиши.

Қурилишни корпорация, концерн ва ҳиссадорлик жамиятидаги қурилиш ташкилотлари маҳсулотларининг сертификати бўлиб, хизматларининг лицензиялари бўлгандагина амалга оширилади.

Туар-жой, жамоат, саноат ва қишлоқ хўжалиги биноларининг қурилишини амалга оширувчи қурилиш ташкилотларининг кўп қисми мутахассислар назоратида.

Қурилиш тизими услублари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Хўжалик услуби – бунда ишлар асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди, ижтимоий-маданий тадбирлар ва туар-жой бинолари қурилиши фонди маблағлари ҳисобига олиб борилади. Бу услубда қурилиш ташкилоти ва буюртмачи ташкилот битта хўжалик органига бириктирилган бўлиб бунда қурувчилар ишларни ҳамма турини ўз кучлари билан бажарадилар.

2. Пудрат услубида ҳамма ишлар қурилиш ташкилотлари, ҳиссадорлик жамиятлари (бош пудратчилар) томонидан амалга оширилади. Бу услубда улар ўз ишчи ходимлари ва моддий техник воситалари билан контракт (шартнома)га асосан обьектларни бунёд этадилар ва контрактда қўрсатилган муддатда қуриб буюртмачига топширадилар. Шартнома ишлаб чиқариш қувватларини обьектлар, бино ва иншотлар ҳамда уй-жой биноларини ишга тушириш бўйича режали вазифаларининг бажарилишини назарда тутади.<sup>16</sup>

<sup>16</sup> S. Keoki Sears ,Glenn A. Sears , Richard H. Clough. Construction Project Management: A Practical Guide to Field Construction Management// USA, 2010 p-62

Қурилиш-монтаж ишлари таснифи ва аломатларига асосан қурилиш ишлаб чиқариш тизимида тури хил бирлашма, трестлар, хиссадорлик жамиятлари ва қурилиш бошқармалари фаолият кўрсатади. Бошқарув тизимининг асосий хўжалик ҳисобидаги звеноси уларнинг хўжалик мустақиллигига эришган, ихтиёрида моддий ва меҳнат ресурслари бўлган хиссадорлик жамият (трест)лар ёки унга tenglashgan ташкилотлар иштирок этади. Улар таркибига ишлаб чиқариш бўлимлари, функционал хизматлари, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар киради. Ишлаб чиқариш ва меҳнат ташкилоти даражаси қўйидагилар билан аниқланади:

1. Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиши ривожлантириш даражаси билан;
2. Кўлланиладиган технологияни такомиллаштириш меъёри билан;
3. Ишлаб чиқариш жараёнларини уюштириш шакли билан;
4. Жамоани бошқариш шакллари ва услублари билан;
5. Моддий-техник таъминотининг аҳволи билан;
6. Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш шаклининг аҳволи билан.

Қурилиш ташкилотларининг ишлаш фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш тизими. (1.2 - жадвал).

**Қурилиш ташкилотининг иш вазифалари**

т/р	Қурилиш ташкилотлари вазифаси	Асосий масалалар	Ахборот технологияси
1	Умумий маъмурий раҳбарлик	Қарор қабул қилиш, ташкилий назорат, уларнинг бажарилишини йўлга солиш	Офисли дастурлаш. Microsoft Word Excel, Power Point, Access
2	Техник шартномалар, ташкилий-техник хужжатларини тайёрлаш	Хужжатларининг тўлиқ ва ўз вақтида шаклланишини таъминлаш	
3	Смета (ҳисобнома) хужжатларини қайта ишлаш	Корректли смета ҳисобларини таъминлаш	Win смета
4	Ишлаб чиқарув хўжалик фаолиятини режалаштириш	Оқимли ва режаланадиган ишлаб чиқарув-хўжалик фаолиятини уюштириш ва амалга ошириш	TimeLine MS Project
5	Қурилиш ишлаб чиқарувида тезкорлик билан бошқариш	Ташкилий назорат, ишларнинг бажарилишини йўлга солиш, ресурслар билан таъминлаш	Spider Tokata
6	Ходимларни йиғиши	Мухандис-техник ва ишчи ходимлар билан таъминлаш	
7	Моддий-техник таъминоти	Қурилишни ашё ва ресурслар билан ўз вақтида (бутли) жиҳозлаш	ERP

8	Маҳсулот сифати	Сифат назорати	ISO 9000
9	Шароит, меҳнат муҳофазаси	Меҳнатнинг хавфсизлик шароитини таъминлаш	БД турли асосда
10	Бухгалтерия ҳисоби, молиявий фаолият	Иқтисодий фаолиятни аниқ, тўла ҳисобини таъминлаш	
11	Объектларни ишга тушириш	Объектларни ишга тушириш бўйича ташкилий ишлар	1C: Бухгалтерия Е
12	Мажмуавий-технологик кўрсаткичлар	Тахлилни, рақобатбардошликни оширишга йўналтирилган ишланмаларни амалга ошириш	

**Тизимнинг ишлаши;** ҳаракатда бўлишини бундай андозаси (модели) ишлаб чиқаришни ошириш иқтисодий тизимнинг ишончлилигини баҳолаш ва уни ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши учун фойдаланилади.

## 2.2. Ҳиссадорлик (акционерлик) жамиятлари тизими

Ҳиссадорлик жамияти низом (устав) ва фондга эга бўлиши, тенг номинал нархи кўрсатилган маълум сонли акциялари бўлган ва факат ўз мулкининг мажбуриятига жавобгарликни олган жамият деб тан олинади.

Ҳиссадорлик жамияти очиқ ёки ёпиқ турда бўлиб у низомда ёритилади ва корхонани қайта тузиш ёки янги корхона очиш йўли билан таъсисланиши мумкин.

Ҳиссадорлик жамиятининг таъсисчилари бўлиб ҳуқуқий ва жисмоний шахслар чиқиши мумкин. Таъсисчилар, ҳиссадорлик жамиятини тузиш бўйича улар томонидан биргалиқда фаолиятни амалга ошириш тартибини аниқловчи шартномани тўзадилар.

Ҳиссадорлик жамиятларининг асосий вазифаси қуйидагилар ҳисобланади:

- қурилиш ва қурилиш объектлари ҳамда қувватларини ишга тушириш бўйича вазифаларни ўз вақтида ва **сифатли** бажариш;



- қурилиш ишлаб чиқаришини жадаллаштириш асосида самарадорлигини ошириш, қувватларини ўстириш ва ундан мақбул ҳолда фойдаланиш, фан ва техника ютуқларининг жорий этилишини тезлаштириш;
- меҳнат унумдорлигини, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари ва шаклларини жорий этиш ва ривожлантириш асосида доимий равишда ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- қурилиш ишлаб чиқарилишини ташкил этишни ва қурилиш бошқарувини такомиллаштириш манба(ресурс)ларининг ҳамма турларини тежаш, қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш;
- ҳиссадорлик жамиятига қарашли саноат корхоналари ва бошқа обьектларни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва кенгайтириш, таъмирлаш қурилиши учун ажратилган маблағларнинг самарадорлигини оширишда оқилона фойдаланиш;
- ташқи муҳитни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирларни амалга ошириш;
- турғун меҳнат жамоаларини тузиш ва уларни ижтимоий ривожлантириш.

Ҳиссадорлик жамиятлари қуйидаги аломатлари бўйича таснифланади:

1. Шартнома алоқаларини тавсифи бўйича бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи. Ҳиссадорлик жамият (трест)и бош пудратчи бўлиб ҳисобланади, умумий қурилиш ишларининг асосий ҳажмини ўз кучи билан бажаради ва қурилишнинг ҳамма тингловчилари фаолиятини мувофиқлаштиради.

2. Ишларни бажариш тури бўйича - **умумий қурилиш** ва **ихтисослашган**. Умумқурилиш ишларига асосий қурилиш ишлари (ер, бетон ишлари, монтаж ишлари ва ҳ.к.) киради.<sup>17</sup>

Ихтисослашган услубда эса бир хил ишлар ёки ишларнинг бир тури бажарилади, масалан, пардозлаш, электр, том ёпиш ва ш.к. киради. Шу билан бир қаторда қурилиш тармоқлари бўйича қишлоқ хўжалиги, тураржой, фукаро қурилиши, саноат қурилишига ихтисослашган ташкилотлар ҳам мавжуд. Қоида бўйича қурилиш - монтаж ташкилоти қуйидагича таснифланади:

Шартнома муносабатларининг таърифи бўйича:

а) бош пудратчи; б) ёрдамчи пудратчи.

2. Ишларни бажариш турлари бўйича:

а) Умум қурилиш (бош пудратчи);

б) Ихтисослашган (ёрдамчи пудрат) пойдевор, пардозлаш;

3. Қурилиш - монтаж ишларини бажаришга қараб ҳам таснифланади.

Трест бошқарувчиси трестни бошқаради ҳамда унга раҳбарлик қиласди, хўжалик ишлаб чиқариш фаолияти тизимига жавоб беради.


Бош муҳандис хавфсизлик техникасига, меҳнатни муҳофаза қилишга амал қиласди, илғор тажрибаларни жорий қиласди, рационализаторлик ишларини олиб боради ва энг муҳим қурилиш ишлаб чиқаришининг тўғри ташкил қилинишига ва техник хавфсизлик тизимини назоратига жавоб беради.

Қурилиш бўйича муовин моддий-техник таъминот билан шуғулланади.

Ижара пудрати мол-мулкни маълум муддатда ва ҳақ тўлаб ишлатиб туриш юзасидан бўлган иқтисодий муносабатлардир.


Қурилишни ишлаб чиқариш — қурилиш тармоғини ташкил этувчи қисм бўлиб хизмат қиласди. унинг вазифаси лойиҳаларни қурилиш маҳсулотига, яъни ишлатиш учун тайёр бино ва иншоотларга айлантиришdir.

<sup>17</sup> Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015 p-89



Хиссадорлик жамиятидаги қурилиш-монтаж трести таркибининг тизимли бошқаруви.

(1-вариант).



Хиссадорлик жамиятидаги қурилиш-монтаж трести таркибининг тизимли бошқаруви.

(2-вариант).

Уларни кўтаришда (бош ва ёрдамчи пудрат) қурилиш йиғиш ташкилотларидан ташқари уларга боғлиқ бўлган бошқа корхона (темирбетон буюмлари корхонаси ва ҳ.к.) ҳам иштирок қиласди.


Режалаш бўлими – трестнинг ўзоқ муддатли ва йиллик бизнес режаларини тўзади, ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини таҳлил қиласди ва ҳисботлар тайёрлайди.<sup>18</sup>

Ишлаб чиқариш бўлими-ишлаб чиқариши тайёрлаш, лойиҳа ҳисботнома (смета) хужжатларини мувофиқлаштиради, ёрдамчи пудрат ташкилотлари билан шартнома (контракт) тайёрлайди, технологик


<sup>18</sup> Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015 p-94

харита ва ишчи лойиҳаларини ишлаб чиқади, янги машина, механизм ва меҳнатнинг илғор усулларидан фойдаланиш билан шуғулланади.

Трест таркибига қурилиш бошқармалари унга тенглашган қурилиш ва йиғиш бошқармалари ёки участкалари, ишларни бажариш бошқармаси, механизациялашган кўчма колонналар, ишлаб чиқариш технологик жиҳозлаш, бутлаш бошқармалари киради.




1.1-расм. Хиссадорлик жамиятининг таркибий тизими  
(1-вариант).



1.2 - расм. Қурилиш бошқармасининг таркибий тизими. (2 - вариант).

Бригада бошлиғига бўлган талаб қўйидагича:

- бригада бажарадиган иш режасини тузишда иштирок қилиш;
- ишчи чизма, технологик хариталар, меҳнат жараёни хариталарини ўқиш;
- ишлаб чиқариш вазифаларини ишчиларга етказиш, уларни ишга жойлаш;
- ишларнинг ашё, асбоб-ускуналар билан таъминотини текшириш ва уни юқори лавозимдаги раҳбардан талаб этиш;
- ишчиларни рағбатлантириш;
- бригада звеноларида бир маромли ишни уюштириш;
- берилган ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- ишларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;
- иш натижаларини таҳлил қилиш ва чиқариш;
- тайёр бўлган ишларни фойдаланишга топшириш. Бригада аъзоларининг ўртача сони 18 кишидан иборат бўлади.



1.3-расм. Бригада бошқаруви

### **2.3. Концерн, корпорация, ассоциация ва фирма ишларини уюштириш асослари**

Қурилиш тизими бўйича корпорация, концерн, ижара ва хиссадорлар жамиятлари мавжуд. Корпорация коммерция ва бошқа мағфаатлар асосида бирлашган кишиларнинг жамоаси, ҳамкорлиги ривожланган мамлакатларда йирик хиссадорлар (акционерлар) жамияти ва трестлардир. Корпорация корхоналарнинг асосий шаклларидан бири бўлиб ҳисобланади. Корпорациялар орасида иқтисодиётда монопол мавқега эга бўлган йирик бирлашмалар ҳам бўлиши мумкин.<sup>19</sup>

Бошқарув тизими икки звеноликка ўтмоқда.

Концерн ҳар хил саноат, савдо, банк, транспорт корхоналарининг умумий молия раҳбарлиги остида монополия бўлиб бирлашуви.

Концерн ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси асосида таркиб топадиган йирик, кўп тармоқли корпорация. Улар аста-секин саноат монополиясининг етакчи шаклига айланди.

Концерн таркиби (саноат, транспорт, савдо, банк соҳаси) турли тармоқларга тегишли айрим ҳолларда кўпгина хорижий мамлакатларда жойлашган ўнлаб ва юзлаб корхоналар киради.

<sup>19</sup> S. Keoki Sears ,Glenn A. Sears , Richard H. Clough. Construction Project Management: A Practical Guide to Field Construction Management// USA, 2010

Бозор иқтисодиёти шароитида моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳозирги тармоқ вазирликлари ўрнида йирик концернлар, корпорациялар, бирлашмалар ва ассоциациялар тизими ташкил топди.

Ижара пудрати (ижарачилик муносабати) мол-мулк маълум муддатда ва ҳақ тўлаб ишлатиб туриш юзасидан бозор иқтисодиётига хос бўлган иқтисодий муносабат. Ижарачилик муносабати обьекти моддий шаклдаги мол-мулқ, унинг субъекти эса мулк эгасидир. Мулк эгаси ижарага ер, сув, асбоб-ускуна, хўжалик ва уй-жой бинолари ҳамда бутун бир корхоналарни беради. Ижарачилик муносабатининг муҳим шарти ижарага олинган мол-мулкка зарар етказмаслик ва ижара ҳақини қандай бўлмасин тўлаб туришdir.

Ижарачилик муносабати бирламчи ва иккиламчи бўлади. Мол-мулк бевосита унинг эгасидан олинса, бирламчи ижарачилик муносабати келиб чиқади. Агар мулкни бир ижарачидан бошқаси олса, иккиламчи ижарачилик муносабати пайдо бўлади. Жамоада ижарачилик муносабати юз берганда цех, участка, бригада, ферма жамоаси давлатдан ваколат олган корхона маъмурияти билан муносабатга киришади. Ижарачилик муносабати табақалашган ижара ҳақи орқали тартибга солинади.

Ижара – бу хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосидир. Ижара асосида турли ишлаб чиқариш шакллари ривожланиши мумкин, яъни: пудратли жамоа ижарачилари (мақсадли ижара асосида) ширкат (кооператив)лар.

Ижара пудрати – бу ички хўжалик ҳисоби муносабатлари шакли ҳамда амалда бўлган иқтисодий механизм доирасидаги хўжалик юритишининг тараққий шакли ҳамдир. Ижара пудратида буюртмачининг вазифалари ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларидан ҳақ тўланган ҳолда, фойдаланиб туради. Ижара шартномаси тўзилаётган пайтда берилган ишлаб чиқариш фондларини қайтариб бериш тамоилии сақланади. Шунинг учун давлат корхоналари фондларни ижарага бераётганида уларнинг сақланишини, баҳоланишини назорат қилиши керак.

Ижара пудрати технология, ишлаб чиқариш воситаларини танлашдан жамоада мустақилликни таъминлайди.

Ижара пудрати ишбилармонликда ишлаб чиқариш ресурслари ва воситаларидан оқилона фойдаланишга имкон яратади. Ижара пудратини ташкил этишнинг асосий мақсади – бошқариш ва ишлаб чиқариш тингловчиларини ҳамма мавжуд ресурсдан тўла фойдаланилган ҳолда юқори, охириги натижаларга эришишнинг иқтисодий аҳамиятининг ягона йўналишини таъминлаш тизимиdir.

Иқтисодиётнинг шакланиши шароитида давлат корхоналарини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш зарурияти пайдо бўлади. Ҳиссадорлик жамиятларининг тузилишига ундейдиган сабаб қўшимча молия маблағлари ва чет эл инвестицияларини талаб этувчи йирик технологик, ташкилий ва ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этиш зарурияти бўлади.

Ҳиссадорлик жамияти турли корхона ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблағларини шерикчилик асосида ва сохибкорлик мақсадида бирлаштирадиган жамият (корхона)дир.

Ҳиссадорлик жамияти қонунда хўжалик бўлиб белгиланади. Унинг низоми, маблағи, ҳиссадорликнинг таъсис мажлисида олдиндан аниқланган пул миқдорига номинал нархга teng бўлган акциялардан ташкил топган бўлади. Ҳар бир аъзо (ҳиссадорнинг) жамиятга нисбатан жавобгарлиги акциянинг номинал нархи билан чекланган. Бу миқдордан юқорисида ҳиссадорлик жамияти мажбуриятларига жавоб бермайди.

Ҳиссадорлик жамияти очиқ ва ёпиқ турларда бўлади.

Агарда ҳиссадорлик жамияти ёпиқ турда бўлса, унинг тингловчилари доираси чекланган бўлади. Унинг аъзоси факат шу меҳнат жамоаси ҳисобланади.

Қуйидагилар ҳиссадорлик жамияти аъзолари ҳисобланади:

- якка шахслар;
- меҳнат жамоасининг аъзолари;
- - хорижий тингловчилар;
- ҳукукий (юридик) шахслар.

Ҳиссадорлик жамиятида таъсис ва ҳиссадорларнинг умумий мажлиси органлари мавжуд.

Таъсис мажлисини ҳиссадорлик жамияти тўзади. Унинг таъсисчилари билан бирга қатнашувчилари ҳуқуқига акцияларга ёзилган ҳамма ҳуқукий ва жисмоний шахслар эгадирлар.

Таъсисчилар таъсис мажлисини ўтказишга қадар ҳиссадорлик жамияти низоми лойиҳасини ишлаб чиқиши ва тақдим этиши лозим.

Ҳиссадорларнинг умумий мажлиси – бу ҳиссадорлик жамиятининг энг юқори органи бўлиб ҳисобланади. Унинг ишида овоз ҳуқуқига эга бўлган, акциялар эгаси бўлиб ҳисобланган ҳамма ҳиссадорлар умумий мажлисида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

### **Назорат саволлари:**

1. Тураг жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш асослари.
2. Ўзбекистон Республикаси худудини қурилиш иқлимий зоналари таснифи. Пудрат шартномасининг ҳалқаро қонун қоидалари.
3. Инновацион лойиҳаларни бошқариш.
4. Пудрат шартномаларнинг ҳалқаро проформалари.
5. Лойиҳаларни бошқаришнинг ҳалқаро қонун қоидалари ва бошқаларни асосий манбадалари.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. S. Keoki Sears ,Glenn A. Sears , Richard H. Clough. Construction Project Management: A Practical Guide to Field Construction Management// USA, 2010.
2. Edward Allen, Joseph Iano. Fundamentals of Building Construction: Materials and Methods// London, 2012.
3. Gang Chen. Building Construction: Project Management, Construction Administration, Drawings, Specs, Detailing Tips, Schedules, Checklists, and Secrets Others Don't Tell You: Architectural Practice Simplified// USA, 2012.
4. Barbara J. Jackson. Construction Management JumpStart: The Best First Step Toward a Career in Construction Management// London, 2010.
5. Alan Griffith. Integrated Management Systems for Construction: Quality, Environment and Safety// London, 2013.
6. Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015
7. Francis D. K. Ching., Building Construction Illustrated 5th Edition// USA, 2014.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий машғулот: Тизимли таҳлил ва лойиҳалаш. Бино ва иншоотларни лойиҳалаш услубларини тизимли таҳлили.

**Ишдан мақсад:** Бино ва иншоотларни лойиҳалаш услубларини тизимли таҳлили. Лойиҳалаш методикаси ва вазифалари. Лойиҳа Лойиҳалаш учун керакли маълумотлар.

**Масаланинг қўйилиши:** Қарор қилишни қўллаб-қувватлаш ахборот технологияси.

Бошқариш тизимида асосий функциялардан бири - карор қабул қилиш функциясидир. Бошқариш карорини икки хил қабул қилиш мумкин;

1. Якка ҳолатда.
2. Коллекциал.

Қарорни қабул қилиш ва уни тайёрлаш уч боскичда амалга оширилади:

1. Максадни аниқлаш.
2. Карорни ишлаб чикиш ва қабул қилиш.
3. Карор бажарилишини ташкил қилиш ва назорат қилиш.

Биринчи боскичда ҳолатни таҳлил қилиш, ҳолат истикболини аниқлаш муаммоли вазиятни аниқлаш, максадни аниқлаш ишлари амалга оширилади.

Иккинчи боскичда масала кўйилади ва карорнинг варианatlарини аниқлаш, карорни танлаш ва тасдиқлаш ишлари бажарилади.

Учинчи боскичда карорни бажариш режаси аниқланади, карорнинг бажарилиши ҳисоботи берилади, у назорат килинади хамда карор бажарилиши бошқарилади. Карор қабул қилиш учун бошқариш тизимида қўлланиладиган ахборот объектив тўлиқ ва ўз вақтида етказилиши керак.

Бошқарув жараёнлари ахборот технологиясининг максади карор қабул қилиш билан боғлик бўлган ишларни бажарувчи ходимларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини кондиришдан иборат. У бошқарувнинг хар қайси боскичидаги хам фойдали бўлиши мумкин.

Карорларни қабул қилишни қуллаб-кувватлашга каратилган ахборот технологиясининг асосий хусусияти инсон ва компьютернинг ўзаро муносабатини ташкил қилишнинг сифат жихатидан янги усулидан иборат. Бу технологиянинг асосий максади карорни ишлаб чикиш бўлиб, бунга интеракцион жараён натижасида эришилади.

Бундай жараён эса:

- Ҳисоблаш звеноси ва бошқарув объекти сифатида келган карорларни қабул қилишни қўллаб-кувватлаш тизими.
- кириш маълумотларини бераётган ва компьютердан ҳисоблашдан олинган натижани баҳолаётган бошқарувчи звено сифатида келган инсон катнашади. Интеграцион жараён инсоннинг хоҳиши билан нихоясига етади.

Қурилишнинг бош тархи (ҚБТ) – бу қурилиш майдонининг умумий тархи бўлиб, унда амалда бўлган ва **лойиҳада** назарда тутилган бино ва иншоотлардан ташқари, қурилиш даврида зарур бўлган вақтинча бино, иншоот ва мосламаларнинг жойланишуви кўрсатилади.

ҚБТ қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси ва ишларни бажариш лойиҳаси таркибига кирувчи, қурилишнинг ташкил этилишини асосий ҳужжати ҳисобланади.

ҚБТ шундай қурилиш майдонни ташкил қилиш учун керакки, у ашё, бўлаклар ва қурилмаларни қабул қилишни ва тахлашни, қурилиш машиналари ва механизациялашган мосламаларнинг тўхтовсиз ишлашини, обьектга сув ва энергия манбалари билан тўхтовсиз берилишини ҳамда ишловчилар учун майший шароитларнинг яратилишини таъминлаши керак.

ҚБТ икки турда бўлади:

1. Умуммайдон қурилишни бош тархи.
2. Алоҳида бўлган обьектнинг қурилиши бош тархи.

Умуммайдон ва алоҳида бўлган обьектнинг қурилиш бош тархларини лойиҳалашда қўйидаги асосий шарт-шароитлар сақланиши керак.

1. Ҳамма фаолият кўрсатаётган ва лойиҳаланадиган саноат корхоналарининг бино ва иншоотлари, микро туманли, ўлчов ва бош ўқларига эга бўлиши зарур. Кейинчалик бу ўлчов ва бош ўққа йўллар, муҳандислик тармоқлари, қурилиш машиналари ва мобил (инвентар) бинолар боғланади.

2. Вақтинча бинолар шундай жойланиши керакки, кейинчалик улар асосий обьектлар қурилишида халақит бермасин, албатта бу вақтда хавфсизлик техникаси талаблари ва ёнғинга қарши меъёрлари эътиборга олиниши керак.

3. Қуриладиган вақтинчалик бинолар ҳажми иложи борича камроқ бўлиши керак.

4. Қурилиш майдонидаги қурилиш юкларининг ҳаракатланиш масофаси минимал бўлсин.

5. Вақтинчалик канализация, сув ва энергия тармоқлари ҳамда вақтинчалик йўл ўзунлиги ҳам минимал бўлиши керак.

6. Қурилиш вақтида майдонда жойлаштириладиган қурилиш хўжалигига қўйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқариш мосламалари (бетон ва қоришка қорғичлар).
2. Омборлар.
3. Вақтинча бино ва иншоотлар.
4. Автомобил ва темир йўллари.
5. Муҳандислик тармоқлари.
6. Трансформатор станциялар.
7. Кўтаргич механизмлар.

Амалиётда икки турдаги қурилишнинг бош тархлари мавжуд:

- **лойиҳалашнинг** биринчи босқичида техник лойиҳа таркибида лойиҳа ташкилотлари томонидан тўзиладиган қурилишнинг умуммайдон бош тархи (КУБТ);

- ишчи чизмалар лойиҳалашнинг иккинчи босқичида ишлаб чиқилгандан ва тендерда бош пудратчи аниқланиб шартнома имзолангандан кейин пудрат ташкилоти қурилишни ташкил қилиш мақсадида тўзадиган ишларни бажариш **лойиҳаси (ИБЛ)** таркибидаги обьект қурилишининг бош тархи (ОҚБТ).

ҚУБТнинг мақсади – тақвимий жадвалга кирувчи қурилиш хўжалиги ва тайёргарлик ишларининг ҳажми хамда таркибини белгилашдир. Демак, ҚУБТ тақвимий ёки тўрсимон (график)жадвал билан боғланган бўлиб унда қабул қилинадиган қарорлар меҳнат ҳажми, муддати, нархи ва ишлар сифатига таъсир кўрсатади.

Қурилишнинг **бош тархи** қуйидагиларга асосан ишлаб чиқилади:


- архитектура-қурилиш бош тархи;
- қурилиш ҳудудини муҳандислик тайёрлаш бўйича ечимлар;
- қурилишнинг маҳаллий шароитлари;
- қурилишда иштирок этувчи ташкилотларнинг ишлаб чиқариш таснифи.
- муҳандислик, техник-иктисодий ва экологик қидирув маълумотлари;
- лойиҳанинг асосий қисмлари (қурилиш, технологик, экологик) бўйича маълумотлар.

ҚБТни лойиҳалашнинг асосий тамойиллари:

1. Қарорларни мақбул (оптимал)лиги ва иқтисодийлиги.
2. Қурилиш хўжалиги обьектларини кўп маротаба кўчиб ўтиши(га)ни йўл қўймаслик.
3. Лойиҳа ҳолатига қўйилгунча ашё ва бўлак (детал)ларни кўп маротаба хаддан ташқари солинишига йўл қўймаслик.
4. Вақтинча бино, иншоот ва мосламаларга бўлган харажатни қисқартириш.
5. Энергетик ускуналарни истеъмол қилинадиган марказда жойлаштириш.
6. Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, ёнилғига қарши ва экологик ҳимояни таъминлаш.

ҚУБТни лойиҳалаш кетма-кетлиги берилган:

## Бино ва иншоотлар қурилиш йўналиши



1.1 - расм. Қурилиш бош тархини лойиҳалаш кетма-кетлигининг тизимли чизмаси (схема)

### Лойиҳалаш методикаси.

Вариант лойиҳалашда қўприкларни энг асосий параметрларни техник-иқтисодий характеристикаларига таалуқлигини ҳисобга олиш керак.

Ишкор хажми ва варианtlарни лойиҳалаш қўприк иншоотини ўлчамлари, кўринишига қурилиш райони ва бошқа махаллий шароитларга боғлиқ.

Кўприкни вариантини ишлаб чиқиша таққослаш ва оптималь ечимни топиш учун бир неча стадиада олиб борилади.

#### 1-босқич.

Махаллий шароитлар ва географик климатик, геологик, гидрологик, кема ўтишлиги ишлаб чиқариш талабларга умумий баҳо берилади.

## **2- босқич.**

1 вариант бўйича кўприкнинг конструктив схемасини ишлаб чиқилади. Бунинг учун иншоотнинг бош ўлчамлари (ўзунлиги ва баландлиги), аниқланади, кўприк ости бўшлиғи эни танланади. Шундан сўнг оралик қурилма ва таянчларни бош ўлчамлари аникроқ қилиб олинади. Кўприкнинг конструктив схемасини танлашда намунавий лойхалардан фойдаланилади керак бўлса ўхшаш кўприклар тақлиф қилинади. Ишлаб чиқилган 1 вариантга техник иқтисодий баҳолаш борилади.

## **3- босқич.**

Ишлаб чиқилган варианларни техник-иқтисодий кўрсатгичларга қараб таққосланади. Таққосланаётганда уларни: смета баҳоси, материаллар сарфи, иш кучи сарфи, қурилишни давомиийлиги, фойдаланиш давридаги кулайлиги инобатга олинади.

Кўприк варианлари бир-биридан конструктив схемаси, қурилишни давомиийлиги, бўйча фарқ қиласа, келтирилган баҳо бўйча таққосланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Кўприк иншоотларига қуйиладиган асосий талабларни айтиб беринг?
2. Кўприк лойиҳалашни мавжуд тартибини айтиб беринг. қандай мақсадларда техник – иқтисодий асослаш (ТИА) ва техник – иқтисодий хисоблаш ишлари (ТИХ) олиб боради?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сонли қарори «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида».
2. Дикман Л.Г. Организация и планирование строительного производства. Управление строительными предприятиями. –М.: Высшая школа, 2004 й.
3. Миражедов М. Тендер/Ўқув қўлланма// –Тошкент: ТошТЙМИ, 2003.–80 б.
4. Катуркин Е.А. Основные принципы проектирования циклограмм на строительство промышленных комплексов. –М.: ВЗИИТ, 1983. –64с.
5. Махаматалиев И.М. Қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. /Ўқув қўлланма// -Тошкент: ТошТЙМИ, 2008 й.
6. Тахиров М.К., Махаматалиев И.М. Қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш/ Курс ишини бажариш бўйича услугубий кўрсатма// Тошкент: ТошТЙМИ, 2006 й.

7. Мирахмедов М., Бозорбоев Н., Шомирзаев Э. Қурилиш мажмуасини ташкил этиш ва менежмент // -Тошкент: ТАҚИ, 2013 й.
8. Alan Griffith. Integrated Management Systems for Construction: Quality, Environment and Safety
9. Alan Griffith. Management System For Construction.

## **2-амалий машғулот: Бино ва иншоотларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари.**

**Ишдан мақсад:** Бикрлик турларини шакллантириш. Эластик замин кўрсаткичларини бериш. Чегаравий шартларнинг қўйилиши.

**Масаланинг қўйилиши:** Бикрлик турларини шакллантириш.

Ҳисоблашни бажариш учун элементларнинг бикрлик кўрсаткичлари берилиши керак. Уларнинг сони чекли элементлар типига боғлиқ. Бу кўрсаткичларга қўйидагилар киради: кўндаланг кесим юзлари, кесим инерция моментлари, плита ва қобиқ элементлари қалинликлари, эластиклик ва силжиш модуллари, эластик замин қайишқоқлик коэффициентлари.

Бикрлик характеристикалари киритилишининг умумий схемаси қўйидагича:

- бикрлик характеристикаларининг қийматлари киритилади. Ҳар битта характеристикалар жамламасини **бикрлик типи** ёки **бикрлик** дейилади. Ҳар битта бикрлик турига тартиб рақами берилади;
- бикрлик турларидан бири **жорий** деб эълон қилинади;
- жорий бикрлик тайинланиши керак бўлган элементлар белгилаб олинади;
- **Назначить** тугмаси орқали белгиланган элементларга жорий типдаги бикрлик характеристикалари тайинланади.

Стержен элементлари учун бикрлик характеристикалари қўйидаги усууллардан бири орқали берилиши мумкин:

- массив кесим шакли билан шартланган тартибдаги (хусусан, бетонли) характеристикалар;
  - қўйидаги тартибдаги сонли характеристикалар:
  - EF – бўйлама бикрлик;
  - EJ<sub>y</sub> - Y1 ўқига нисбатан эгилишга бўлган бикрлик;
  - EJ<sub>z</sub> - Z1 ўқига нисбатан эгилишга бўлган бикрлик;
  - GJ<sub>k</sub> – буралишга бўлган бикрлик;
  - GF<sub>y</sub> - Y1 ўқига нисбатан силжитувчи бикрлик (Z1 ўқи бўйлаб);
  - GF<sub>z</sub> - Z1 ўқига нисбатан силжитувчи бикрлик (Y1 ўқи бўйлаб).
- Бу характеристикаларнинг сони чекли элементларнинг турига боғлиқ:

Чекли элемент тури	Киритиладиган бикрликлар
1	EF

2	EF, EJ <sub>y</sub>
3	EJ <sub>y</sub> , GJ <sub>k</sub>
4	EF
5,6	EF, EJ <sub>y</sub> , EJ <sub>z</sub> , GJ <sub>k</sub> , GF <sub>y</sub> , GF <sub>z</sub>

- пўлат профил ва пўлат прокат намуна кесимлари базасидан олинган, уларнинг комбинациялари характеристикалари;

• ЛИР-КС (кесимлар конструктори) системаси ёрдамида ҳисобланадиган ностандарт кесим характеристикалари;

Улардан ташқари қуйидаги характеристикалар ҳам киритилиши мумкин:

- маҳаллий координата системалари бўйича бикр киритмалар;
- кесимнинг ядро масофалари – ҳар бир инерция ўқлари учун иккитадан сон;

- сонли характеристикаларни киритиш;
- соғ бурилиш бурчаги катталиги;

• А, С1, С2 эластик замин кўрсаткичлари, бу ерда А - кесим эни ёки баландлиги; С1 ва С2–Пастернак модели бўйича қайишқоқлик коэффициенти.

- бикрлик матрицаларини тузишда силжишни ҳисобга олувчи белги.


Иловадаги 1-жадвалга мувофиқ пўлат прокат кесимлар базаси ёрдамида берилган кесим учун бикрлик характеристикалари автоматик равища ҳисобланади.

Агар стержен кесимиning бикрлик характеристикалари сонли равища берилган ва бунда ҳисобий зўриқишилар жамламаси ҳисобини бажариш зарур бўлса, унда албатта ядро масофалари ўлчамлари берилиши шарт.

Яssi чекли элементлар учун қуйидаги характеристикалар киритилади: Е (эластик модули, v (Пуассон коэффициенти) ва δ (элемент қалинлиги). Ҳажмий чекли элемент учун Е ва v лар берилади.

**Жесткости элементов** мулокот ойнаси **бикрлик характеристикалари библиотекасига** кириш имкониятини берувчи график менюли учта ойначага эга. Ўз ҳолица қолдирилганда **Стандартные типы сечений** ойнаси очилади. Қолган иккита ойналар таркиби: намунавий кесимли прокат пўлат базасидаги характеристикаларни беришга мўлжалланган мулокот ойна; пластина ва ҳажмий элементларнинг кўрсаткичларини бериш учун мўлжалланган мулокот ойна; шу билан бирга **ностандарт кесим** турини танлаш тутмачаси кабилардан иборат.


Бикрлик характеристикаларини шакллантириш учун **Жесткости→Жесткости элементов** () менюси орқали **Жесткости элементов** мулокот ойнаси чақирилади (11-расм), бу ойнада **Добавить** тутмасини босиш керак ва бикрлик характеристикалари библиотекасида иккинчи **База металлических сечений** ойналасига ўтилади. Пўлат кесмлар базасида сичқонча тутмасини икки марта босиб кесим турлари график рўйхатидан Дутавр (қўштавра) ни танлаб олинади.



11-расм. Элементлар бикрлиги мулоқот ойнаси

**Стальное сечение** мулоқот ойнасида Кўштавр (балка учун) кесими кўрсаткичларини киритамиз (12-расм):

- очилган Сортамент рўйхатидан **Двутавр с параллельными гранями полок типа Б (балочный)** позициясини;
- **Профиль** рўйхатидан -30Б1 ни танлаймиз ва маълумотларни киритиш учун ОК тугмасини босини босиш керак.



12-расм. Пўлат кесим юзалар мулокот ойнаси

➤ Яна сичқонча тугмасини икки марта босиб **Двутавр** кесим турини танланг.

➤ **Стальное сечение** мулокот ойнасида Кўштавр (колонна учун) кесими кўрсаткичларини беринг.

• очилган **Сортамент** рўйхатидан **Двутавр с параллельными гранями полок типа К (колонный)** позициясини танланг.

• **Профиль** рўйхатидан -35K1;

➤ Маълумотларни киритиш учун OK тугмасини босинг.


➤ **Жесткости элементов** мулокот ойнасида учинчи - бикрликларнинг сонли ифодаси ойначага ўтинг.

➤ сичқонча тугмасини икки марта босиб **Пластины** кесим турини танланг.

➤ **Задание жесткости для пластин** (расм 4.13) мулокот ойнасида **Пластина** (қоплама плита учун) кесим юза кўрсаткичларни киритинг:

- Эластиклик модули – E=3e6;
- Пуассон коэффициенти – V = 0.2;
- Қалинлик – Н=20 см;
- Материалнинг солиштирма оғирлиги – R<sub>0</sub>=2.75;

➤ Маълумотларни киритиш учун -Подтвердить тугмасини босинг.



Расм 4.13. Пластинага бикрлик бериш мулоқот ойнаси

➤ Бикрликлар турлари рўйхатидан курсор билан **3. Пластина Н 20** танланг ва **Копирование** тугмасини икки марта босинг.

➤ **Жесткости элементов** мулоқот ойнасида бикрлик турлари рўйхатидан курсор ёрдамида **4. Пластина Н 20** ни белгилаб олинг ва **Изменить** тугмасини босинг.

➤ **Задание жесткости для пластин** мулоқот ойнасида пойдевор плита кўрсаткичларини ўзгартиринг:

- Қалинлик –  $H=50$  см;

- **Подтвердить** тугмасини босинг.

➤ Бикрлик характеристикалари библиотекасини кўринмайдиган қилиш учун **Жесткости элементов** мулоқот ойнасида **Добавить** тугмасини босинг.

Схема элементларига бикрлик тайинлаш

➤ Бикрлик турлари рўйхатидан курсор билан **1. Дутавр 30Б1** ни белгиланг.


➤ **Установить как текущий тип** тугмасини босинг (бунда танланган тур **Текущий тип жесткости** таҳирлаш ойнасига ёзилади. Рўйхат қаторига икки марта босиш орқали жорий бикрлик турини тайинлаш мумкин).

➤ **Выбор→Отметка горизонтальных элементов** () меню бандини бажаринг.

➤ курсор ёрдамида ҳамма горизонтал элементларни белгиланг (белгилangan элементлар қизил рангга бўлади).

*Тугунларни белгилаш курсор билан кўрсатиш орқали ёки тугун атрофига «резина ойна» ни чўзиши билан бажарилиши мумкин.*

- **Жесткости элементов** муроқот ойнасида **Назначить** тугмасини босинг (элементлардан белгилаш ечилади. Бу элементларга жориш бикрлик тайинланганлигини билдиради).
- Горизонтал элементларни белгилаш жараёни фаоллигини бекор қилиш учун **Выбор→Отметка горизонтальных элементов** меню бандини бажаринг.
- Бикрлик турлари рўйхатидан курсор ёрдамида **2. Дутавр 35К1** ни белгиланг.
- Установить как текущий тип тугмасини босинг.
- Выбор→Отметка вертикальных элементов () меню бандини бажаринг.
- Курсор ёрдамида ҳамма вертикал элементларни белгиланг.
- **Жесткости элементов** муроқот ойнасида **Назначить** тугмасини босинг.
- **Жесткости элементов** муроқот ойнасида бикрлик турлари рўйхатидан курсор ёрдамида **3. Пластина Н 20** ни белгиланг.
- Установить как текущий тип тугмасини босинг.
- Выбор→Отметка блока () меню бандини бажаринг.
- Қоплама плитанинг олдин биринчи қават кейин иккинчи қаватининг ихтиёрий тугун ёки элементларини курсор ёрдамида кўрсатинг.
- **Жесткости элементов** муроқот ойнасида **Назначить** тугмасини босинг.
- Пайдо бўлган **Предупреждение** муроқот ойнасида ОК тугмасини босинг.
- Выбор→Отмена выделения менюси ёрдамида тугун ва элементлар белгиланишларини бекор қилинг ()�.
- **4. Пластина Н 30.** бикрлик турини жорий қилинг.
- Диафрагмани белгилаб олиш учун Выбор→ПолиФильтр менюси ёрдамида **ПолиФильтр** муроқот ойнасини чақиринг.
- Бу ойнада иккинчи **Фильтр для элементов** ойначасига ўтинг (14-расм).
- Сўнгра **По виду КЭ** га белги ўрнатинг ва очилган рўйхатдан **Четырехъзловые КЭ (пластины)** қаторини белгиланг.
- Кейин **По ориентации КЭ** га белги ўрнатинг ва || YOZ радиотумани ёқинг.
- -Применить тугмасини босинг.
- **Жесткости элементов** муроқот ойнасида **Назначить** тугмасини босинг.
- **5. Пластина Н 50.** бикрлик турини жорий қилинг.
- Выбор→Отметка блока менюси фаол ҳолатида () курсор билан пойдевор плитанинг исталган тугуни ёки элементини кўрсатинг.
- **Жесткости элементов** муроқот ойнасида **Назначить** тугмасини босинг.



14-расм. Элементлар фильтри мулокот ойнаси

### Назорат саволлари:

1. Кўприк иншоотларига қўйиладиган асосий талабларни айтиб беринг ?
2. Кўприк лойиҳалашни мавжуд тартибини айтиб беринг. қандай мақсадларда техник – иқтисодий асослаш (ТИА) ва техник – иқтисодий ҳисоблаш ишлари (ТИХ) олиб боради ?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. M. Nadim Hassoun, Akthem Al-Manaseer Structural Concrete: Theory and Design (6 th Revised edition) USA 2015.
2. Jack C. McCormac, Russell H. Brown. Design of Reinforced Concrete. 2013 Wiley 720 pages.
3. Низомов Ш. Р., Маткаримов С. Ю. Компьютер дастурлари асосида қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш. Ўқув қўлланма. “Фан ва технология” нашриёти, 2013. - ISBN 978-9943-10-980-3

### **3-амалий машғулот: Қурилиш ва лойиҳалашда сифатни бошқаришда тизимли таҳлил. сифат тушунчаси ва аҳамияти.**

**Ишдан мақсад:** Сифат тизимли таҳлил объекти сифатида. Қурилишда сифатни бошқаришга тизимли ёндошув. Сифатни баҳолашда назорат турлари.

Қурилиш маҳсулотининг сифатини ошириш, умуман олганда, қурилиш тармоғини жадал (интенсив) ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Сифат ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма қўшиладиган самарадорлигига таъсир кўрсатади:

иљмий-техник жадаллашувни тезлаштириш;  
асосий ишлаб чиқарув фондлари ва капитал жамғармалардан фойдаланишни яхшилаш;

мехнат сарфларини камайтириш; ашё ва молия ресурсларининг харажатини қисқартириш; ишлаб чиқариш технологияси, ташкилиёти ва бошқарилишини такомиллаштириш.

Қурилиш **сифати** деб, нафақат бино ва иншоотларни барпо этишда қўлланиладиган конструкция, бўлаклар ва ашёлар, нафақат қурилиш монтаж ишлари сифати балки **лойиҳа – смета** ҳужжатлари сифати, ишончлилигини кўтариш, қуриладиган обьектларни **кўп муддатларда** туриши ҳам тушунилади.

Сифатни яхшилаш вазифаси қурилиш маҳсулоти сифатининг бошқарувини амалдаги мажмуавий тизими шароитида муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин.

Қурилиш маҳсулоти сифатининг бошқарувини амалдаги мажмуавий тизимининг мақсади бўлиб, меъёрий ҳужжатлар талабига қурилиш маҳсулоти сифатининг мос келишини ва бунинг асосида қурилиш ишлаб чиқарувини ташкилий –техник даражасини кўтаришни доимий равишда таъминлаш ҳисобланади.

Мажмуавий тизим қуйидаги асосий эҳтимолларга мувофиқ ишлаб чиқарилиши керак:

**стандартлаштириш тамойили** – бунда қурилиш маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар ва ҳамма тизимлар функцияси давлат стандартлари, меъёрий ҳужжатлар, корхона стандартлари билан қатиян белгиланиши (регламент қилиниши) ва таъминланиши керак;

**тизимли ёндашиш тамойили** – сифатини бошқариш жараёнини ишлаб чиқариш циклининг ҳамма босқичлари ва ҳамма даражасида тарқалиши назарда тутилади;

**қарама – қарши алоқа тамойили** – қурилиш ишлаб чиқариши эҳтимоллиги, илмий-техник жадаллашувни жорий этилиши, меъёрий ҳужжатларда бўладиган ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда назорат тизимининг такомиллаштирилишининг ўзулуксиз жараёнини аниқлайди.

**Сифат тизимли таҳлил обьекти сифатида. Қурилишда сифатни бошқаришга тизимли ёндошув.**

Қурилиш сифати – бу бажарилган бино ва иншоотлар ва уларнинг бўлакларини лойиҳавий қарорларга ҳамда меъёрларга мос келишидир.

Сифатини оширишнига тараққий лойиҳавий қарорлар, ашё ва қурилмаларни, кенг қўлда жорий қилиш ва ишчи ходимларининг малакасини ўстириш имкон туғдиради.

Қурилиш сифати унинг шаклланишининг ҳамма босқичларида амалга оширилади, яъни: ишлаб – чиқариш олдида (режалаштириш, лойиҳалаштириш, қурилиш ашёлари ва буюмларини ишлаб чиқариш ва уларни қурилиш майдонига келтириш), ишлаб чиқариш (қурилиш-йигма жараёни), ишлаб чиқаришдан сўнг (ишга туширишда қабул қилиш ва ишга тушириш). Шуларга мувофиқ зарур бўлган сифат даражасига эришиш, уни ҳама тингловчиларидан боғлиқ бўлган мажмуавий муасимосидир.

## **Бино ва иншоотлар қурилиш йўналиши**

Трестни хар бир бўлиши уни фаолиятини ўзига хос хусусияти (спецификаси) ва қурилиш – монтаж ишлари сифатига таъсир қилиш даражасини ҳисобга олган холда қурилиш маҳсулотини оширишни таъминловчи тадбирлар ишлаб чиқиш керак.

Самарали тадбирлардан бири бўлиб моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳисобланади.

Шу билан бирга назорат вазифалари амалга оширувчи ички ва ташқи назоратлар мавжуд. Ички назорат қурилиш бошқарималари ходимлари томонидан, ташқиси эса хоқимият томонидан амалга оширилади.

Сифатни баҳолашда назорат муҳим рол ўйнайди. Қуйидаги турлар бўйича назорат таснифланади:

- статистика;
- ишлаб чиқарув;
- техник;
- иқтисодий;
- фаол;
- пассив;
- қабул қилинувчи (кирувчи чиқувчи);
- инспекциявий;
- даврий;
- доимий;
- визуал;
- асбобий ва х.к.

### **Назорат саволлари:**

1. Лойиҳа ғоясини асослашнинг графаналитик модели.
2. Тендерни ташкил этиш ва ўтказиш қонун қоидалари.
3. Лойиҳалаш тизимида халқаро талаблар.
4. Инновацион лойиҳаларни уч босқичли тузилиши.
5. Дастрлабки ва техник иқтисодий асослашнинг тузилиши, таркиби ва мазмуни.
6. Бинолар энергия самарадорлигини оширишнинг норматив-хукуқий асослари.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Francis D. K. Ching., Building Construction Illustrated 5th Edition// США, 2014
2. Мирахмедов М. Тендер/Ўқув қўлланма// –Тошкент: ТошТЙМИ, 2003.– 80 б.
3. Махаматалиев И.М. Қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. /Ўқув қўлланма// -Тошкент: ТошТЙМИ, 2008 й.

4. Тахиров М.К., Махаматалиев И.М. Қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш/ Курс ишини бажариш бўйича услубий қўрсатма// Тошкент: ТошТЙМИ, 2006 й.

5. Мирахмедов М., Бозорбоев Н., Шомирзаев Э. Қурилиш мажмуасини ташкил этиш ва менежмент // -Тошкент: ТАҚИ, 2013 й.

#### **4-амалий машғулот: Сифат тизимли таҳлил объекти сифатида. қурилишда сифатни бошқаришга тизимли ёндошув.**

**Ишдан мақсад:** Қурилиш тизимини ишлаб чиқарилиши. Сифатни баҳолашда назорат турлари. Қурилишда сифатни бошқаришга тизимли ёндошув.

Мажмуавий тизим қуйидаги асосий эҳтимолларга мувофиқ ишлаб чиқарилиши керак:

- **стандартлаштириш тамойили** – бунда қурилиш маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар ва ҳамма тизимлар функцияси давлат стандартлари, меъёрий хужжатлар, корхона стандартлари билан қатиян белгиланиши (регламент қилиниши) ва таъминланиши керак;

- **тизимли ёндашиш тамойили** – сифатини бошқариш жараёнини ишлаб чиқариш циклининг ҳамма босқичлари ва ҳамма даражасида тарқалиши назарда тутилади;

**қарама – қарши алоқа тамойили** – қурилиш ишлаб чиқариши эҳтимоллиги, илмий-техник жадаллашувни жорий этилиши, меъёрий хужжатларда бўладиган ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда назорат тизимининг такомиллаштирилишининг ўзулуксиз жараёнини аниқлайди. Қурилиш маҳсулоти сифатини мажмуавий бошқарувини ишлаб чиқариш ва жорий этишни тамойилли чизмаси расм **34** да кўрсатилган Қурилиш маҳсулотининг сифатини ошириш, умуман олганда, қурилиш тармоғини жадал (интенсив) ривожлантиришнинг мухим шарти бўлиб ҳисобланади. Сифат ижтимоий ишлаб чиқарышнинг ҳамма қўшилдиган самарадорлигига таъсир кўрсатади:

- илмий-техник жадаллашувни тезлаштириш;
- асосий ишлаб чиқарув фондлари ва капитал жамғармалардан фойдаланишни яхшилаш;
- меҳнат сарфларини камайтириш;
- ашё ва молия ресурсларининг харажатини қисқартириш;
- ишлаб чиқариш технологияси, ташкилиёти ва бошқарилишини такомиллаштириш.

Қурилиш **сифати** деб, нафақат бино ва иншоотларни барпо этишда қўлланиладиган конструкция, бўлаклар ва ашёлар, нафақат қурилиш монтаж ишлари сифати балки **лойиҳа – смета** хужжатлари сифати, ишончлилигини кўтариш, қуриладиган объектларни **кўп муддатларда** туриши ҳам тушунилади.

Қурилиш маҳсулоти сифатининг бошқарувини амалдаги мажмуавий тизимининг мақсади бўлиб, меъёрий хужжатлар талабига қурилиш маҳсулоти сифатининг мос келишини ва бунинг асосида қурилиш ишлаб чиқарувини ташкилий –техник даражасини кўтаришни доимий равишда таъминлаш ҳисобланади.

Мажмуавий **тизим** қўйидаги асосий эҳтимолларга мувофиқ ишлаб чиқарилиши керак:

- **стандартлаштириш тамойили** – бунда қурилиш маҳсулот сифатига кўйиладиган талаблар ва ҳамма тизимлар функцияси давлат стандартлари, меъёрий хужжатлар, корхона стандартлари билан қатиян белгиланиши (регламент қилиниши) ва таъминланиши керак;

- **тизимли ёндашиш тамойили** – сифатини бошқариш жараёнини ишлаб чиқариш циклининг ҳамма босқичлари ва ҳамма даражасида тарқалиши назарда тутилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Биноларнинг энергоменежменти.
2. Бинолар тўсиқ конструкцияларининг энергия самарадорлигини ошириш.
3. Энергия тежамкор ва энергия фаол бинолар.
4. Энергия самарадор иссиқлик ҳимоя материаллари.
5. Энергия фаол биноларнинг конструктив ва ҳажмий-режавий ечимлари.
6. Биноларнинг энергетик паспорти.
7. Қурилиш календар режасига қўйиладиган талаблар ва уларни бажарилишини услубий асослашнинг назарий асослари.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Francis D. K. Ching., Building Construction Illustrated 5th Edition// США, 2014.
2. Мирахмедов М. Тендер/Ўқув қўлланма// –Тошкент: ТошТЙМИ, 2003.– 80 б.
3. Махаматалиев И.М. Қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. /Ўқув қўлланма// -Тошкент: ТошТЙМИ, 2008.
4. Тахиров М.К., Махаматалиев И.М. Қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш/ Курс ишини бажариш бўйича услубий қўрсатма// Тошкент: ТошТЙМИ, 2006.
5. Мирахмедов М., Бозорбоев Н., Шомирзаев Э. Қурилиш мажмуасини ташкил этиш ва менежмент //–Тошкент: ТАҚИ, 2013.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-Кейс.

Қурувчи ташкилоти томонидан турар-жой биноси қурилиб, ишга топшириш учун Давлат архитектура-қурилиш назорати органига мурожаат қилинди. Назорат органи томонидан бино эксплуатацияга яроқли деб топилди ва бино ишчи комиссия томонидан эксплуатацияга қабул қилинди.

Ахмад билан Одил мазкур турар-жой биносидан ўзлари учун алоҳида алоҳида квартира сотиб олишди ва тез кунларда улар янги хонадонга кўчиб келишди.

Орадан 3 ой ўтар-ўтмас Ахмад яшаяётган квартиранинг иссиқлик таъминоти тизимида носозлик пайдо бўлди. Боз устига, тепа қаватда яшамайдими, томдан чакки ўтгани холда, шифтдан сув сизиб деворлардаги гулқоғозлар кўча бошлади.

Одил эса шошилинчда квартирани акаси номига расмийлаштирган эди. З ойдан буён пропискаси бошка шаҳарда бўлганлиги учун ўзи яшаетган хонаданни ўз номига расмийлаштириш билан оввора.

Сизнинг фикрингизча, Ахмаднинг хонадонидаги муаммони ким бартараф этиш лозим?

Биринчи ҳолатда кўриклар тизими буйича қайси кўрик ўтказилиши лозим: баҳоргими, кўзгими, ёки навбатдан ташкарими?

Биринчи ҳолат учун таъмирлашнинг қайси тури қўлланилади: капитал-комплекс, капитал-танлов, жорий – кўзда тутилмаган...?

Иккала ҳолатнинг қайси бири биноларни техник эксплуатациясига ва қайси бири хизмат кўрсатишга таалуқли муаммо ҳисобланади?

### 2-Кейс.

Янги қурилиб, ишга тушган 4 қаватли турар-жой биносида қисқа вактларда деворларда хавфли дарзлар пайдо бўлди.

Бу ходисани текшириш учун маҳсус лицензияга эга бўлган мутахассислар гурухи жалб қилинди ва мутахассислар қурилиш лойиха асосида бажарилганлигини, конструкциялар эса барча меъёрий талабларга жавоб беришини, бироқ дарзларнинг пайдо бўлишига сабаб, деган хulosага келишди. Сизнинг фикрингизча, деворда қисқа вактларда бундай хавфли дарзларнинг пайдо бўлишига нима сабаб бўлган бўлиши мумкин? Дарзларнинг пайдо бўлишига табиий омиллар сабаб бўлган бўлиши мумкинми? Дарзларнинг пайдо бўлишига техноген омиллар сабаб бўлган бўлиши мумкинми? Дарзларнинг пайдо бўлишига лойихачи томонидан йўл қўйилган хатолик сабаб бўлган бўлиши мумкинми?

### 3-Кейс.

Республикамизнинг 3 та вилоятида 1 вақтнинг ўзида, 1 хил лойиха асосида 2 қаватли жамоат бинолари қурилиб эксплуатацияга топширилди. Айтайлик, бинолар 2-капиталлик гуруҳига мансуб бўлиб, лойихачи томонидан уларнинг меъёрий хизмат муддати 125 йил деб белгиланди.

Орадан 30 йил ўтгач 3 хил манзарани гувохи бўлдик. Уларнинг техник ҳолати, таъмирталаблиги турлича эди. 1-вилоятдаги бино жуда яхши ҳолатда бўлиб, у хеч қандай таъмирлашга муҳтож эмас эди. 2- вилоятдаги бинонинг техник ҳолати ночор ҳолатда бўлиб, у капитал таъмирга муҳтож эди. 3- вилоятдаги бинонинг ҳолатини эса тахминан олдинги иккала биноларнинг ўртacha ҳолатида деб қабул қилиш мумкин.

Барча бинолар ўтган вақт давомида доимий фаолиятда бўлган.

Айтингчи, биноларнинг ўтган давр мобайнида турлича техник ҳолатда бўлишига асосий сабаб сифатида қандай омилларни келтиришингиз мумкин?

Қайси вилоятдаги бинонинг меъёрий ва ҳақиқий хизмат даврлари бирбирига яқин?

Бинолар эксплуатацияси шу зайлда давом этса 2-вилоятдаги бинонинг ҳақиқий хизмат даври лойихачи томонидан белгиланган муддатгача борадими?

#### 4-Кейс

4 қаватли ғиштли тураг-жой биносини кузатув-текшириш натижасида қуйидагилар аниқланди:

- А) Юк кўтарувчи деворларда узоқ муддатли намлик таъсирида ғишт ва қориашма маркаси сезиларли даражада пасайган;
- Б) Деворнинг айрим қисмларида рухсат этилмаган дарзлар пайдо бўлган;
- В) Том ёпма плитасида сезиларли эгилиш кузатилади;
- Г) Фасад қисмида сувоқнинг айрим жойларда қўчиши кузатилади.

Айтингчи, жисмоний емирилиш шкаласи буйича бино қандай ҳолатда? Қайси пунктда қайта тикланмайдиган жисмоний емирилиш қайд этилган? Қайси пунктда механиқ тарзда шикастланиш ҳолати қайд этилган? А-пунктдаги жисмоний емирилиш ҳолати қандай усулда аниқланган ?

#### 5-Кейс.

Махсус эксперт гуруҳи томонидан ўтказилган 1 қаватли йиғма темирбетон конструкциялардан бажарилган саноат биносини кузатув-текширув ишлари натижасида қуйидагилар аниқланди:

- А) Бинонинг ташки периметри буйлаб жойлашган устунлар ўзаро бикрлик элементлари билан боғланмаган;
- Б) Темирбетон устунлардаги бетон синфи лойихадагидан паст;

В) Устунлардан ишчи арматуралар ўзаро диаметри Ø8A1 синфли симлар билан боғланган;

Г) Юк кўтарувчи балкаларда 0,2-0,3 мм ли дарзлар аниқланган ва х.к.

Айтингчи, А-пунктдаги ҳолат қандай усулда аниқланди? Б-пунктда келтирилган бетон синфининг лойиҳадагидан пастлиги қандай усулда аниқланди? В-пунктдага арматура синфи ва диаметри қандай усулда аниқланди ? Юк кўтарувчи балкалардаги дарзлар қандай усулда аниқланди? Г пунктдаги аниқланган дарзлар келиб чиқиши ва хавфлилиги бўйича қандай турдаги дарзлар турига киради?

## 6-Кейс.

Тахминан 1950-55 йилларга мансуб бўлган 4 қаватли турар-жой биносини визуал текшириш натижасида қуидагилар аниқланди:

А) Хоналар баландлиги, майдони амалдаги нормалар талабида эмас;

Б) Томдан чакки ўтиши натижасида юкори қават шифтларида намлик доғлари кузатилади;

В) Бино қурилишига жуда кўп ортиқча маблағ сарфланган (буғунги кун талабларига нисбатан).

Айтингчи, қайси пунктда маънавий эскиришнинг биринчи шакли ҳақида сўз юритилади? Қайси пунктда маънавий эскиришнинг иккинчи шакли ҳақида сўз юритилади? Б-пунктдаги ҳолат маънавий эскиришнинг қайси шаклига мансуб? Қайси пунктда маънавий эскиришнинг қайта тикланмайдиган тури ҳақида сўз юритилади?

## 7-Кейс.

Кузнинг ёғинли ойларида қурилиши бошланган бино қисқа муддатларда қурилиб, баҳорда унда барча турдаги мухандислик коммуникациялар ўтказилди, пардоз қисмлари тутатилди. Ёзниг дастлабки ойларида бино эксплуатацияга тоширилди ва бино ўз фаолиятини бошлади.

Орадан бир ой ўтмасдан бино ичидаги кутилмаган ҳолатлар пайдо бўла бошлади. Хоналарда шамоллатиш тизими фаолиятда бўлишига карамасдан ички деворларнинг пардоз қисмлари кўча бошлади. Хоналарда моғорлаш, захлаш натижасида хоналардаги намлик миқдори меъёрий кўрсаткичдан ошиб кетди. Бу ҳолат бинонинг ертўла қисмларида ҳам кузатилди.

Бинода юз бераётган бу ҳолатни қандай изохлайсиз? Қурилиш жараёнининг қайси боскичидаги қурувчи томонидан қандай хатоликка йўл куйилган бўлиши мумкин? Айтингчи, бундай ҳолатда хоналардаги нисбий намлик миқдори неча фоиз атрофика бўлиши мумкин? Бу ҳолат бинолар

эксплуатациясида бизга маълум бўлган 4 турдаги намликнинг қайси бирига мансуб?

### **8-Кейс.**

1-вазият: йигма темирбетон конструкцияли саноат биносида ёнгин содир бўлган. Ўт ўчирувчилар томонидан ёнгин бартараф этилди. Ёнгин тахминан яrim соат давом этган.

Ёнгин натижасида бино ичидаги металл конструкциялар жиддий шикастланган. Аммо, темирбетон конструкцияларда сезиларли шикастланиш белгилари кўзга ташланмайди.

2-вазият: саноат корхонасининг ишлаб чиқариш цехи ичидаги муҳит агрессивлиги бўйича кучли тажовузкор муҳит ҳисобланади. Бор йўғи 5 йиллик эксплуатация мобайнида юк қўтарувчи конструкцияларнинг химоя қатламлари тўкилиб, ишчи арматуралар куриниб колди ва уларда коррозия жараёни давом этар эди.

1-вазият буйича темирбетон конструкциянинг шикастланмаганлигига асосий сабаб нима?

2-вазият буйича юз браётган ҳолатга асосий сабабчи ким: лойихачими, қурувчими, эксплуатация муҳитими...?

Хар иккала вазият учун конструкцияларнинг химоя катламлари вазифасини тушунтиринг?

2-вазиятда қандай химоя қатламларидан фойдаланиш зарур эди?

### **9-Кейс.**

Қурилиш фирмаси томонидан 9 қаватли тураг-жой биноси қурилиб, ишга топширилди.

Қисқа вақтда бино аҳоли томонидан ўзлаштирилди ва бинонинг «Хаёт цикли» бошланди. Биноларнинг умрини инсон умрига қиёслаш мумкин: Мослашиш боскичи, асосий хизмат даври ва бино конструкцияларида астасекинлик билан ишдан чиқиш жараёнинг юз бериши-эскириш даври.

Айнан эксплуатациянинг дастлабки биринчи йилидаёқ бино конструктив элементларида, инженерлик жихозларида кутилмаган носозликлар пайдо бўла бошлади. Буларга пардоз қисмларидаги кўчишлар, емирилишлар, томдан чакки ўтиши, инженерлик тармоқларидаги қувурларда ва арматуралардаги носозликларни киритиш мумкин. Айтингчи, бундай холларда қўриклар тизимининг айнан қайси тури ўтказилади? Бинода дастлабки йилдаёқ бундай ҳолатларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб нимада деб уйлайсиз? Бундай носозликларни бартараф этиш учун таъмирлашнинг қайси тури қўлланилади – жорийми ёки капитал.

## 10-Кейс

Жамоат биноси 1968 йилда қурилган. Капиталлик гурухи – 2. Бино шу кунгача капитал таъмирсиз эксплуатация килинган. Охирги жорий таъмирлаш 2010 йилда ўтказилган. Бугунги кунда бинонинг техник ҳолати қўйидагича деб баҳоланди:

Ташки деворларда рухсат этилмаган дарзлар пайдо бўлган. Том қоплама қисми яроқсиз ҳолатга келган. Щунингдек, пол, осма шифт конструкциялари, эшик ва дераза ромлари жисмоний ва маънавий жихатдан эскирган.

Ажратувчи деворларда вертикалдан огиш ҳолатлари кузатилади. Ташки фасад мармар кипикили сувоқларида дарзлар пайдо бўлган. Бино периметрии буйлаб отмосткалар ночор ҳолатда. Айтингчи, бундай холларда мавсумий кўриклар тизими ўтказиши керакми ёки бинода маҳсус кузатув-текширув олиб борилиши керакми? Юқорида келтирилган белгилардан келиб чиккан ҳолда бинонинг умумий техник ҳолатини қандай баҳолайсиз? Агарда бундай вазиятда капитал таъмирлаш зарур деб топилса, у ҳолда бинода қандай турдаги ишлар бажарилади? Бинонинг эксплуатация мобайнида қандай хатоликларга йўл қўйилган?

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

Мустақил иш жараёнида тингловчилар модулга доир адабиётлар, услугбий қўлланмалар билан танишадилар. Ўқитувчи томонидан берилган мавзу бўйича топшириқни мустақил бажарадилар. Уларни мустақил иш сифатида расмийлаштириб тармоқ марказига топширадилар. Бундан ташқари, маъруза машғулотлари материаллари ҳамда қўшимча адабиётлар бўйича тайёрланиб рейтинг балларини тўплайдилар.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Тураг жой ва жамоат биноларини лойихалаш асослари.
2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини қурилиш иқлимий зоналари таснифи. Пудрат шартномасининг ҳалқаро қонун қоидалари.
3. Инновацион лойихаларни бошқариш.
4. Пудрат шартномаларнинг ҳалқаро проформалари.
5. Лойихаларни бошқаришнинг ҳалқаро қонун қоидалари ва бошқаларни асосий манбадалари.
6. Лойиҳа ғоясини асослашнинг графаналитик модели.
7. Тендерни ташкил этиш ва ўтказиш қонун қоидалари.
8. Лойиҳалаш тизимида ҳалқаро талаблар.
9. Инновацион лойиҳаларни уч босқичли тузилиши.
10. Дастрлабки ва техник иқтисодий асослашнинг тузилиши, таркиби ва мазмуни.
11. Бинолар энергия самарадорлигини оширишнинг норматив-хуқуқий асослари.
12. Биноларнинг энергоменежменти.
13. Бинолар тўсиқ конструкцияларининг энергия самарадорлигини ошириш.
14. Энергия тежамкор ва энергия фаол бинолар.
15. Энергия самарадор иссиқлик ҳимоя материаллари.
16. Қуёшли уй.
17. Энергия фаол биноларнинг конструктив ва ҳажмий-режавий ечимлари.
18. Биноларнинг энергетик паспорти.
19. Қурилиш календар режасига қўйиладиган талаблар ва уларни бажарилишини услубий асослашнинг назарий асослари.
20. Биноларнинг норматив иссиқлик ҳимоя даражалар.
21. Регламентлар ҳақидаги қонун.
22. Инновацион лойиҳаларини таркиби.
23. Инновацион лойиҳаларини тузиш.
24. Инновацион лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби.
25. Бинолар энергия истеъмолини сертификатлаш.

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
Ҳажмий тархий ечим	Биноларнинг ички фазовий жойлашуви	Internal spatial location
Доимий юқ	Домий юкларга конструкцияларнинг хусусий оғирлиги, грунтнинг босими ва оғирлиги, конструкциядаги дастлабки кучланишнинг таъсири киради.	Loads of constant magnitude that remain in one position. Examples: weights of walls, floors, roofs, plumbing, fixtures, structural frames, and so on.
Бинонинг функционал талаблари	Бинонинг вазифасига мувофиқлигини кўрсатгичи	Indicates compliance with the task of building
Бинонинг оловборо дошлиги	Бинонинг ўзоқ муддат мустаҳкамлигини олов таъсирига чидамлилиги.	Building long-term strength, resistance to the effects of fire.
Жамоат бинолари	Туарар-жой, саноатва қишлоқ хўжалиги биноларидан ташқари барча бинолар	Residential, industrial and agricultural buildings, all buildings
Лойиҳалаш босқичлари	Лойиҳалаш босқичлари асосан икки босқичда амалга оширилади. Қоғоз чизмалари ва техник ҳисоблар.	Planning stages are carried out in two stages. Paper drawings and technical calculations.
Пойдеворларнинг амалдаги турлари	Ишлатилиш мақсадига кўра: лентали, ясси, алоҳида жойлашган ва қозикли.	According to the purpose of use: tape, flat, and the judge.
Олдиндан зўриқтирилган конструкция	Олдиндан зўриқтирилган темирбетоннинг афзалликларидан бири уни ёрилишга бўлган бардошлилигидир.	Prestressed concrete for which the steel is tensioned after the concrete has hardened.
Бинолар температура чоки	Бино мустаҳкамлигини иссиқ ва совуқ таъсиридан ҳимоялаш	Strengthen the building protected from the effects of hot and cold
Бинолар зилзилабардошлиги	Биноларнинг турли ер силкиниш кучларига нисбатан мустаҳкамлиги	The strength of the quake at various buildings
Архитектуравий ечим	Биноларни бадиий, атроф-мухит, иқлим, миллий анъаналар, мавжуд бинолар билан мутаносиблик талаблари асосида лойиҳалаш ва бунёд этиш.	Buildings , art , the environment , climate and national traditions , balance the requirements of the existing buildings , design and construction
Балкон	Бинонинг ташқи деворига бино ташқарисидан ўрнатиладиган консол ёки бошқа конструкция устида	Outside the outer wall of the building, the building will be installed on the console or other structure created around the blocked area .

## Бино ва иншоотлар қурилиш йўналиши

	яратиладиган атрофи тўсилган майдонча.	
Бинонинг устиворлиги	Бинонинг ташқи кучлар ва омиллар таъсирида турғунлигини саклаш.	The building is under the influence of external factors and static
Блоклаштирилган уй	2 ва ундан кўп квартирадан иборат, ҳар бири ер участкасига чиқув ва алоҳида мухандислик тизими билан таъминланган квартира типидаги бино.	2 and more in the apartment , each of them out of the land , and a separate engineering system apartment building type .
Брандмауэр қурилмаси	Бино қисмларида ёнғин тарқалишига тўсқинлик қилувчи девор.	Prevent the spread of fire in the building wall .

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Махсус адабиётлар:

1. S. Keoki Sears ,Glenn A. Sears , Richard H. Clough. Construction Project Management: A Practical Guide to Field Construction Management// USA, 2010.
2. Edward Allen, Joseph Iano. Fundamentals of Building Construction: Materials and Methods// London, 2012.
3. Gang Chen. Building Construction: Project Management, Construction Administration, Drawings, Specs, Detailing Tips, Schedules, Checklists, and Secrets Others Don't Tell You: Architectural Practice Simplified// USA, 2012.
4. Barbara J. Jackson. Construction Management JumpStart: The Best First Step Toward a Career in Construction Management// London, 2010
5. Alan Griffith. Integrated Management Systems for Construction: Quality, Environment and Safety// London, 2013.
6. Alan Griffith Management System For Construction// London, 2015.
7. Francis D. K. Ching., Building Construction Illustrated 5<sup>th</sup> Edition// USA, 2014.
8. Маракаев Р.Ю., Зохидов М., Норов Н.Н. Ўзбекистон шароитида энергиясамарали биноларни лойиҳалаш // Ўқув қўлланма Тошкент, ТАҚИ - 2012.
9. Щипачева Е.В. К методике определения параметров климата по территории Республики Узбекистан // Вестник ТашИИТ, - Ташкент, - 2007- № 3 / 4 - С. 13 – 19.
10. Махаматалиев И.М. Курилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. /Ўқув қўлланма// -Тошкент: ТошТЙМИ, 2008.
11. Тахиров М.К., Махаматалиев И.М. Курилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш/ Курс ишини бажариш бўйича услугий қўрсатма// Тошкент: ТошТЙМИ, 2006 й.
12. Махаматалиев И.М. Курилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. /Ўқув қўлланма// -Тошкент: ТошТЙМИ, 2008.
13. Тахиров М.К., Махаматалиев И.М. Курилиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш/ Курс ишини бажариш бўйича услугий қўрсатма// Тошкент: ТошТЙМИ, 2006.
14. Мирахмедов М., Бозорбоев Н., Шомирзаев Э. Курилиш мажмуасини ташкил этиш ва менежмент // -Тошкент: ТАҚИ, 2013 й.

### Интернет ресурслари:

1. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. [www.autocad.ru](http://www.autocad.ru).
3. [www.autodesk.com](http://www.autodesk.com).

## IX ИЛОВАЛАР

“Агарки ҳар қайси инсон, бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса бу менинг баҳтим ва бойлигим, деган фикр билан яшаса, биз ўз мақсад муддаоларимизга тезроқ етамиз. Мен, айнан шундай ҳаётий фалсафа қон - қонимизга, сувъ - сувъгимизга кириб бориши, қалбимиздан чукур жой топишининг тарафдориман ва барчангизни, бутун халқимизни шунга даъват этаман.”

Мухтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидаги бу ҳаётбахш, дурдона фикрларни инсон сифатида, қолаверса, мамлакатимиз оддий фуқароси сифатида ўзимга дастуриамал деб билдим.

**Капитал қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажарилиши бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини таъминлаш оид НИЗОМИДАН:**

1. Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

**в) капитал қурилиш ва пудрат ишлари дастурлари соҳасида:**

капитал қурилиш ва пудрат ишлари дастурлари соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши тизимли ва комплекс ўрганилишини ташкил этиш;

капитал қурилишда, муҳим халқ хўжалиги объектлари қурилишида, шу жумладан лицейлар ва коллежлар қурилишида пудрат ишларини ташкил этиш соҳасида мониторингни таъминлаш ҳамда аҳвол ва вазиятни таҳлил қилиш;

капитал қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилиши бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

қурилиш комплексини бошқариш тўзилмасини такомиллаштириш, капитал қурилишда бошқарув тизимига ва хўжалик муносабатларига бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий этиш, қурилиш соҳасида хусусий ва кичик тадбиркорликни, бозор инфратўзилмасини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;

қурилишнинг норматив-техник ва ахборот базасини янгилаш ва такомиллаштириш, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишларининг замонавий усулларини жорий этиш ишларини ташкил қилиш;

инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлаш даражасини ошириш ҳамда уларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини такомиллаштириш;

лоиҳалаш ва пудрат қурилиш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларнинг негизида асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этиш жараёнларини мувофиқлаштириш;

лоиҳалаш ва қурилиш ишларини бажариш юзасидан буюртмаларни жойлаштиришда танлов савдолари ташкил этиш даражасини ошириш;

курилишни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда барпо этишга ўтишни таъминлаш, қурилиш фаолиятида шартномавий муносабатларнинг ролини кучайтириш;

**г) қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноати соҳасида:**

- қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноатида ислоҳотларнинг амалга оширилиши тизимли ва комплекс ўрганилишини ташкил этиш;

- қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноатида мониторингни таъминлаш ва ишларнинг аҳволини таҳлил қилиш;

- қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш соҳасида қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини таъминлаш;

- қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноатида бозор принциплари ва механизmlарини жорий этиш, ушбу соҳаларда хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- республика қурилиш комплексини янги технологиялар, қурилиш асбоб-ускуналари, техника, материаллар билан таъминлашнинг комплекс дастурларини шакллантириш;

- қурилиш материалларининг илғор турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қурилиш индустрияси корхоналарида замонавий технологияларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;